# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 25-may • №21 (4160)


**Юртимизда шаклланган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айни мана шундай тадбир ва мусобақалар, мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юксак шоҳсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.**

**Президент Ислом Каримовнинг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригидан.**

## НИҲОЛЛАР УМИДИ УШАЛАЁТИР

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи бу улкан вилоятга ташриф буюрган ҳар бир меҳмон остонаданоқ юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби яратувчилик, меҳнат гўзаллигини сезади, завқ олади.

Маҳобатли эркин иқтисодий зона, ёшлар саройи, энг замонавий лойиҳада қурилган аквапарк, Матбуот уйи, вилоят телерадиокомпанияси биноси, қатор истироҳат боғлари, спорт мажмуалари — буларнинг ҳаммаси шу заминда яшаётган юртдошларимизга, айниқса, ёшларга руҳий қувват беради. Юксалиш, ҳаётда ўрнини топиш учун имконият йўлларидир бу иншоотлар.

Айниқса, ўтган йили қишлоқ жойларида намунавий лойиҳа асосида 490 та уйнинг қурилиб эгаларига топширилгани қанча оилаларга хурсандчилик олиб кирди. Уй ватан ичидаги ватандир. Одамнинг кўнгил тўқлиги, паноҳи. «Мустаҳкам оила йили»да шундай намунавий лойиҳа асосида яна 500 та уй-жой қурилиши олиб борилмоқда.

Оиласидан кўнгли хотиржам бўлган кишиларда маънавият соғинчи, маънавиятга ташналик уйғонади. Навоийда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг байрамона бир руҳда ўтаётгани, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар иштирокидаги адабиёт кунларининг ёшлар байрамига вобаста бўлиб кетгани замирида ҳам ана шу уйғониш кайфияти бор.

Ҳазрат Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамонларининг саодатли онларини тасвирлаб:

**Бу фасл ичраки олам бўлди гулгун** — дея лутф этганидек «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтаётган айни кунларда Навоийнинг шаҳру қишлоқлари гўзал қиёфага кирди. Кўчалар, хиёбонлар гул, уйларнинг деворлари гул. Гўё ҳар бир навоийликнинг юраги бир даста атиргулга айланиб, ёш меҳмонлар қаршисига чиққандек.

Ижодкорлар йўл четидаги анвойи гулларни парвариш қилаётган навоийлик

### «Умид ниҳоллари — 2012»

қизлар билан дилдан суҳбатлашди.

— Гуллар гулларни парваришлаётирлар, — дея сўз ўйинини бошлаб берди меҳмонлардан шоира Мунаввара Усмонова.

— Меҳмонларимизнинг қадамларидан ҳам гул унаётир, — дея жавобда бўш келмади карманалик ижодкор Салима Умарова.

Дарҳақиқат, навоийликлар "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига ўзгача шавқ билан ҳозирлик кўришди. Замонавий усулда бунёд этилган Ёшлар спорт мажмуи, футбол мактаби, кураш мактаби, шахмат мактаби бинолари эндиликда улуғ шоир номи билан аталган шаҳарнинг кўркига кўрк қўшмоқда.

Шаҳарнинг Маҳмуд Торобий номидаги кўчасини бошдан-оёқ спортчилар кўчаси деб аташ мумкин. Бу ерда жуда қисқа вақтда футбол ва кураш мактаблари, ўн минг нафар томошабинни сиғдирадиган ўйингоҳ, ўнлаб спорт турлари билан шуғулланиш имконини берадиган ёшлар спорт мажмуаси қад ростлади. Ушбу замонавий иншоотлар Навоий педагогика институтининг жисмоний тарбия факултети ва спорт коллежлари биноларига туташиб кетган.

Вилоятдан етишиб чиққан спортчиларнинг жаҳон олимпиадаларида эришаётган ютуқлари ҳам салмоқли. Бадиий гимнастика бўйича жаҳон чепиони Ульяна Трофимова, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Азиза Мамажонова, юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Ҳуснидлин Ҳакимов, армстерлинг бўйича Осиё чемпиони Мирзоҳид Шаропов эришган натижалар, энг аввало, юртимизда бугунга келиб тўлиқ шаклланган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим самарасидир.

Мезбонлар бу нуфузли мусобақага, айниқса, қизғин ва кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўришди. Аввало туман ва шаҳарлардаги мактаб ўқувчилари ўртасида мусобақаларнинг вилоят босқичлари ўтказилди. Сўнгра Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган вилоятлараро ҳудудий саралаш беллашувларида муваффақиятли иштирок этишди. Уларда навоийлик йигит-қизлар баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол каби кўплаб спорт турлари бўйича финалга йўлланмани эгаллаб қайтишди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, уюшманинг Навоий вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган Адабиёт байрами шукуҳи «Умид ниҳоллари» шиддатига эш бўлиб, davраларга янгича файз берди.

**Давоми иккинчи саҳифада.**



**Суратда: енгил атлетикачи навоийлик спортчи ёшлар. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## ВАТАН

**Дунё менга қилмади торлик,**
**Чап кўксимда гуллайди баҳор.**
**Бораяпман қибла томон тик,**
**Юрагимда яшил майсазор.**

**Менга қаттиқ туюлмайди ер,**
**Жуда чуқур кетган илдизим.**
**Отам манглайидан оққан тер —**
**Менинг ёнаётган юлдузим.**

### Шеърий лаҳза

**Менга яқин кўринди қуёш,**
**Юрагимда шафақранг ҳислар.**
**Кипригимда улғаяр бардош,**
**Кўзларимда энг ёрқин туслар.**

**Донишманддек ўлтирар тошлар,**
**Ахир, тинмай ўсар улар ҳам.**
**Уларни ҳам бағрида асрар**
**Менга юрак берган шу Ватан!**

**Моҳинур ИСМОИЛОВА**

*Ғаллаорол.*

## БОБУР МИРЗОНИНГ ҚИЛИЧИ

Тарихда Шарқ мамлакатларида рўй берган муҳорабаларда жангчи, ҳарбий хизматга тааллуқли аскару бек, шаҳзода ва султонларнинг энг ишонган қуроли қилич ҳисобланган. Бу уруш қуроли ҳақида ёзма ва оғзаки адабиётда жуда кўп маълумотлар мавжуд. Қиличнинг фазилатлари, сифати, жангчи қўлига етгунга қадар уни ясаган устанинг чеккан заҳмати, маҳорати борасида достонлар битилган. Буларнинг барчаси бежиз эмас, албатта. Чунки қилич жангчининг ҳаёт-мамот масаласини ҳал этган, ҳарбий маҳоратини юзага чиқарган.

Агар эътибор берсак, шарқлик саркардалар, шоҳ ва султонлар, бек ва оддий аскарларнинг портретлари, муҳораба майдонидаги ҳолатлари чизилган суратларда улар кўпинча қилич билан бирга тасвирланган. Бошқача айтганда, қилич жангчи қиёфасининг яхлит бирлиги сифатида у билан бир-



га акс эттирилган. Қиличнинг катта-кичиклиги, қилич соҳибининг уни ушлаб турган қўли ҳолати билан бирга бу қуролнинг зебзийнати, ғилофининг нақшлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилгани ҳам бундай суратларда акс этган.

XV-XVI асрларда Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда бўлган жангу жадаллар тасвирланган санъат асарларида, кўплаб миниатюраларда қилич асосий тасвир объектига айланган. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида бу уруш қуролининг жозибаси, жангларда аскардан тортиб подшоҳгача содиқ ҳамроҳ бўлиб келгани ўнлаб ўринларда баён этилган. Чунончи, Самарқандни забт этган Бобур аъёну бекларини тақдирлаш, айримларини ўзига янада яқинлаштириш мақсадида уларнинг рутбаларини кўтаради, инъомлар беради. Шунда унинг энг ишонган беги, ҳарбий юришларида етук маслаҳатчиси Қосимбек Бобур қаламрави ва салтанатидаги ишларга кўз олайтирган Аҳмад Танбални ҳам сийлаш лозимлиги, уни муросага келтириш учун арзирли туҳфа зарурлигини, бундай туҳфа фақат Бобурнинг шахсий қиличи бўлиши мумкинлигини айтади. Бобур даставвал

### Тарих ва тақдир

Қосимбекнинг таклифига рози бўлмайди, аммо унинг қайта-қайта илтимосидан кейин шахсий қиличини Аҳмад Танбалга туҳфа этади. Буни қарангки, тақдир тақозоси билан муҳорабалардан бирида Аҳмад томонидан айнан шу қилич билан Бобурнинг бошига зарба тушади. Бу ҳолатни Бобур асарида афсус билан қайд этиб, шахсий қуролни бировга беришнинг хосияти йўқлигини таъкидлайди.

"Бобурнома"нинг бошқа бир жойида муаллиф ажойиб бир ҳарбий мусобақани келтирадики, бу ўша даврда қилич биринчи даражадаги аслаҳа саналганини кўрсатади. Бу қиличдек ҳарбий қуролга меҳр, унинг жангдаги мавқеи ва хизмати, ҳар бир жангчининг шарафи эканига ёрқин мисол бўла олади: "Ул куни йигитлар шўхлуқ қилиб етган била-ўқ матининг тошида янги том кўпоруб, соладурғон қўрғонни олдулар. Саййид Қосим эшикоқа букун борчадин яхширок юруб, ўзуб қилич текурди. Султон Аҳмад Танбал ҳам қилич текурди. Муҳаммад Дўст тағойи ҳам қилич текурди, вале баҳодурлуқ улуши мўғулда қадимий расмдур. Ҳар тўй ва ош бўлғонда ҳар кимки элдин ўзуб қилич текургон бўлса, ул улушни ул олур". Агар ушбу матнга эътибор берсак, темурийлар салтанатида қиличнинг ҳарбий қурол сифатида юксакликка кўтарилганини кўрамиз.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

## УКРАИНАДАН ХУШХАБАР

Глиэр номидаги республика ихтисослашган академик лицей ўқувчилари турли халқаро кўрик-танловларда кетма-кет юқори натижаларни қўлга киритишмоқда.

Куни кеча Украинанинг Симферополь шаҳрида бўлиб ўтган "Синяя птица" халқаро кўрик-танловида лицейнинг биринчи курс талабаси Жамшид Ҳакимов бас-дутор ижросида биринчи, Азизжон Тешабоев учинчи ўринни эгаллади. Академик хонандалик бўйича Шоҳруҳ Ризақулов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Ихтиёр Воҳидов диплом билан тақдирланди.

Бахтиёр Зияев "Энг яхши ўқитувчи", Сурайё Тиллахўжаева "Энг яхши жўрнавоз" номинациялари бўйича махсус дипломга сазовор бўлди.

Лицей талабалари келгуси йили ўтадиган танловда қатнашиш учун таклиф этилдилар.



## "ОЛТИН ГЕПАРД" ХАЛҚАРО КИНО ФОРУМИ

Ўтган йили "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги доирасида илк бор "Олтин гепард" халқаро кинофоруми ўтказилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Тадбирда қирқдан ортиқ мамлакат филмлари намойиш этилиб, форум доирасида таниқли актёрлар, режиссёрлар, продюсерлар, кино танқидчилар, анимацион кино усталари билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтганди.

Тошкент кинофоруми ўзининг эзгу ғоя ва мақсадлари билан юртимиз ҳамда жаҳон кино ихлосмандларининг эътиборини тортди. Мазкур тадбир самараси ўлароқ юртимиз кино ижодкорлари ва чет эллик кино усталари ўртасида дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланди, санъаткорлар ўзаро тажриба алмашдилар, ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари ёш ижодкорларнинг билими ва малакаси ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Бу йил ҳам "Art Week Style.uz-2012" санъат ҳафталиги доирасида ўтказиладиган "Олтин гепард" халқаро кинофоруми олдидан пойтахтимизда "Кино — продюссер — томошабин" мавзуида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда иккинчи халқаро кинофорумга тайёргарлик ишлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан "Олтин гепард" Тошкент халқаро кинофоруми бош директори, санъатшунос Акбар Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз ва ҳукуматимиз миллий санъатнинг барча соҳалари қатори юртимизда кино равнақига, унинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролига алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидладилар.

Бу йилги кинофорумга ҳозирданоқ Европа, Осиё,

### Тараддуд

Африка мамлакатлари ижодкорлари ўз филмлари билан қатнашиш истагини билдирмоқдалар. Форум дирекцияси май ойининг аввалида танлов ва танловдан ташқари дастурларда намойиш этиш учун тўлиқ ва қисқа метражли, анимацион филмлар қабул қилинишини эълон қилди. Аризалар шу йилнинг 10 августига қадар қабул қилинади.

Тошкент кинофорумининг асосий ғояси "XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти" мавзуи ҳамда "Инсон тақдири: туйғулар фалсафаси" шиорида акс этган. Кинофорум танловига мазкур ғоя ва мақсадларга жавоб берувчи исталган жанрдаги, 2011-2012 йилларда яратилган филмлар қабул қилинади. Барча филмларни ташкилий қўмита томонидан тузилган комиссия саралаб олади. Тақдим этилган кино асарларни баҳолаб бориш учун юртимиз ва хориж кино арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилди.

**Дурдона ХИДИРОВА**

## ЁШ ТАРЖИМОНЛАР МАКТАБИ

Мамлакатимизда баркамол ёш авлодни тарбиялашга, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди томонидан жойларда амалга оширилаётган тадбирлар эътиборга лойиқ.

Истиқлол йилларида Қарши давлат университетида анъана тусига кирган "Ёзувчи сабоқлари" машғулотларида юртимизнинг таниқли шоир ва адиблари, адабиётшунос ва публицистлари, вилоятда яшаб ижод қилаётган ижодкорлар иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Қарши давлат университети жамоаси ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида яқинда роман-герман факултети қошида "Ёш таржимонлар мактаби" иш бошлади. Шу муносабат билан бўлиб ўтган анжуманда Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси Адҳамбек Алимбеков бадиий таржима соҳасида уюшмада амалга ошираётган ишлар, хусусан, ёш таржимонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижод намуналарини матбуотда чоп этиш, таржима асарларини китоб ҳолида нашр эттириш, уларни устоз ёзувчи-шоирлар ва олимларга биркитиш, ижодий семинарлар ташкил этиш хусусида ахборот берди. "Жаҳон адабиёти" журнали бўлим мудири, таржимон Амир Файзулла таржимонлик маҳорати билан боғлиқ адабий тажрибалар ҳақида сўз юритди.

"Ёш таржимонлар мактаби" раҳбари, филология фанлари номзоди Гулноза Одилова мактабнинг келгусидаги фаолияти ҳақида сўзлади.

— Ёш истеъдод соҳибларига яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитлар, уларнинг интилиш ва изланишларини рағбатлантириш, албатта, истиқлолимиз мевасидир, — деди роман-герман факултети декани Дўстмурод Жўраев. — Талаба-ёшларимиз орасидан етишиб чиққан истеъдодли таржимонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан она тилимизга, айни кезда мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётидан чет тилларга таржималарни амалга ошириб, халқлар дўстлиги ва адабиётлар ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз.

Тадбир сўнгида университет раҳбарияти томонидан "Ёш таржимонлар мактаби" аъзоларига сўнгги русумдаги замонавий компютер жамланмаси, зарурий дарслик, қўлланмалар, бадиий адабиёт намуналари ҳадя этилди.

**Муҳаммад ОЧИЛ**

## БИЛДИРИШ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида шу йилнинг 25 май, жума куни соат 11.00да шоир Янгибой Қўчқоровнинг "Жайхун бўлиб оққан сўз" китоби тақдимоти доирасида адабий учрашув ўтказилади. Тадбирга шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.*

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Навоий шоирлар юрти, шеърият юрти. Адабиётга ошнолик наслимизда, қонимизда бор, — дейди муҳташам «Фарҳод» саройида адабиёт кунларини очар экан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова.

# НИҲОЛЛАР УМИДИ УШАЛАЁТИР

Адиба Олмос Аҳмедованинг сўзларига шоира Шарифа Салимованинг шеърлари уланди.

**Кўксингда қулунлар бўлиб чопамиз,**
**Арча бўлиб тоғлар кўксин ёпамиз...**

Конимехлик шоир Менглибой Муродовнинг бахшиёна оҳангдаги шеърлари қадим достонлар оҳангини уйғотди.

Энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган аудиториялар, спорт мажмуаси, бой кутубхона — ҳаммаси ёшлар хизматида. Фан олимпиадалари, мусобақалар, беллашувлар, синовлар билан институтимиз ҳаёти жўшқин. Ҳофизларимиз, чемпионларимиз, шоирларимиз бор, — дея фахр билан таништирди навбатдаги мушоира олдидан Навоий педагогика институти ректори Холбой Иброҳимов: — Қизларимизнинг спорт соҳасидаги ютуқлари, айниқса қувонарли. 1 курс талабамиз Маҳлиё Тоғаева оғир атлетика бўйича Лондонда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Сочим меҳнатда оқарди, қўлим заҳматда қадоқ бўлди. Лекин мен бир умр Зарафшондан четга чиқмаган одамман, қизим 19 ёшида Лондонга боряпти, бу истиқлол шарофати. Шунинг учун ҳуррият деймиз, истиқлол, деймиз-да, — деди Маҳлиёнинг дадаси. Бу ғурурнинг ўзи бир шеър, бир достон...

— Шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшилганидан беҳад хурсандман. Очиғи, гулларга бурканган кенг ва равон йўллардан спортчилар шаҳарчасига ҳар куни қатнайвериб, ўзим ҳам ёшариб кетгандайман! Уч минг нафар ёш спортчимиз бу мусобақаларда беллашмоқда! Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида спортга меҳрини бериб улғаяётган бу болажонлар келажакда Ўзбекистонимиз байроғини жаҳоннинг улкан мамлакатларидаги чемпионатларда кўтаришларига ишончим комил. Айтинг, бундай ғайратли ёшларимиз ҳақида тўлқинланиб ёзмай бўладими, — дея завқ билан хитоб қилади Ҳамдам Эшонқулов.

Оқсоқол адибнинг сўзларига шоира Хосият Рустамованинг фалсафий мушоҳадага бой шеърлари, адиба Шаҳодат Исахонованинг ҳуррият даври насри ҳақидаги фикрлари чиройли




якун ясади.

— Қизилтепа — Олтинтепа дегани. Тупроғимизда тилло яратаётган, буғдойи, пахтаси билан Ватан хирмонлари бўйини баландлатаётган қизилепаликларнинг қўллари олтин эканига шубҳа йўқ. Чунки туманимиз кўп йиллардан буён қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида илғорлар сафида келмоқда. 140 минг аҳолимиз тўрт фасл меҳнат қувонч-ташвишлари билан яшайди. Улар шеърият байрамларини соғиниб яшашади. — Қизилтепа тумани ҳокими Шабон Набиев туман марказидаги «Нафосат» саройидаги адабиёт оқшомини шундай ҳароратли сўзлар билан бошлаб берди.

— Бўстон қирларидан лолалар териб дилимга шеър ҳаваси тушди. Бўстоннинг донишманд бибилари эртакларидан сеҳр, меҳр сувратлари чизилди кўнглимга. Бўстон шоир қилган юрагимни ҳуррият, истиқлол улғайтирди. Ижодимга янги руҳ берди. Бугун шоирлар, шеърият, умуман, адабиёт Президентимизнинг эътиборида турибди. Айниқса, «Ижод» фондининг ташкил этилгани қалам аҳлининг имкониятларини кенгайтириб юборди, — деди Ўзбекистон халқ шоираси, «Эл-юрт» ҳурмати ордени соҳибаси Ойдин Ҳожиева. — Адабиёт — руҳият тарбиячиси. Бугун ҳаммамиз Озодлик одамларини камолга етказишни, мустақилликни мустаҳкамлашни истаймиз. Ҳаммамиз шу улуғ мақсадга камарбастамиз.

Сиз — залда ўтирган ёшларнинг ҳар бирининг юракларида ўтли сатрларимиз билан биттадан улуғ Ўзбекистон уйғотишни истаймиз. Шеърият — нафосат, шеърият — завқ, лекин ҳаммасидан аввал шеърият бу инсонни ердан юксакликларга кўтаргувчи бақувват қанот!

**Ҳазорисианд бўлсам саҳроларингда,**
**Феруза тош эсам дарёларингда,**
**Ҳайит ойи бўлсам самоларингда,**
**Меҳру вафо кўрар дунёларингда**
**Сени ёмон кўздан асрамоқ учун, —**

дея Ойдин опа ўқиган шеърларга шоираларнинг шеърлари жўр бўлди. Ёшлик мушоиралари, вилоят, туман маданият уйининг санъаткор дасталари адабиёт байрамининг суҳбатларини дилбар наволар билан зийнатлади.

Таниқли шоирлар Тошпўлат Аҳмад, Жаҳонгир Исмоилов, шунингдек талаба ёшлар, муаллималар, фахрийлар, коллеж ўқувчилари ҳам мушоирада фаол иштирок этишди.

Шоир сўзи шамолга учмайди. Шоир сўзи ҳавода қолмайди. Айниқса, бу сўзлар чашмаси Ватан бағридан сизиб чиқса!

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Баҳриддин САДРИДДИНОВ**

# БОБУР МИРЗОНИНГ ҚИЛИЧИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

"Бобурнома"нинг бошқа бир жойида Бобурнинг муҳорабада шахсан иштирок этгани ва унда қилич жангда ҳал этувчи қурол сифатида тасвирлангани диққатга молик. Бунда ўша давр аслаҳасоз усталари томонидан қилич ясашга нечоғли эътибор берилгани, қиличнинг ниҳоятда ўткирлиги, қилич соҳибининг мустаҳкам зарби ва ҳарбий маҳорати қаламга олинган: "Бизнинг соридин ва Иброҳим сорунинг ишларидин Самад отлиқ алар соридин ҳисорий мўғуллардин Шаҳсувор отлиқ рубарў бўлдилар. Шаҳсувор андоқ чопарким, дубулғадин ўтуб, Самаднинг бошиға қилич хейли ўлтурур. Бовужуди бу захм Самад андоқ чопарким, Шаҳсуворнинг бошидин кафи дастча парча сўнгакни қилич олиб кетар",

"Бобурнома"да ва ўша даврдаги бошқа тарихий обидаларда қиличнинг кароматн, ҳарбий аслаҳа сифатидаги жиҳатлари ҳақида жуда кўп мисоллар келтирилган. Шулар қатори, қилични ишлатишда маҳорат кўрсатган жангчи ҳамиша ижобий баҳоланган, қадрланган. Масалан, Бобур бир неча бек ва саркардаларнинг мардлигини моҳирона қилич тебратганида, қилич билан душманни яксон этганида, деб билган. Масалан, у Хуросон султони Ҳусайн Бойқарога баҳо бераркан: "Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегирубтур, балки ҳар маърақада борлар қилич тегирибтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай", деб ёзади.

Хуллас, Заҳириддин Бобурнинг таъкидлашича, барча муҳорабалардаги ютуқлар, лашкарнинг қилич чопишдаги маҳорати, энг аввало, аскарнинг бу ҳарбий қурол билан муомала қила олиши, абжирлиги эвазига қўлга киритилган.

Бугунги кунда ҳам Бобурнинг бошқа мулки, ундан қолган буюмлар, бойликларни топиш, у билан қизиқиш ва дунёнинг қайси бурчагида мавжудлигини аниқлаш адиб ихлосмандларини қизиқтириб келмоқда. Жумладан, Бобурнинг қиличи "фалон мамлакатнинг фалон музейида эмиш", деган тахминлар шулардан биридир. Ана шу масала бўйича анчадан бери қизиқиб юрганлардан бири Бобур ижодининг толмас мухлиси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган терапевтика бўлим раҳбари, олий тоифали кардиолог, тиббиёт фанлари доктори, Европа ва Россия кардиологлар ассоциацияси аъзоси Мирмаҳмуд Мирсайдуллаевдир. Мирмаҳмуд анчадан бери Бобур ижоди мухлисларини қизиқтириб келган масала – буюк адибнинг соғлиги ва умри давомида 22 бор бетоб бўлгани, бу ҳақда "Бобурнома"даги анча муфассал маълумотларга таяниб жуда қизиқарли тадқиқот олиб бормоқда. У Бобурнинг касалликларини ўша даврда адибнинг шахсий табиби Юсуфий қўйган ташхисини буюк табиб Абу Али ибн Синонинг шу касалликларни даволаш бўйича йўл-йўриқлари билан қиёслаб ўрганиб чиққан. Айни пайтда профессор М.Мирсайдуллаев Бобурнинг барча касалликларига замонавий тиббиёт асосида ташхис қўйиш, ундаги касалликларнинг қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлаш ва Бобур вафоти сабабини бугунги тиббиёт хулосалари асосида баён этиш мақсадида тадқиқотини давом эттирмоқда.

М. Мирсайдуллаевнинг бу ҳаракатини маъқуллаган ҳолда унинг Бобур қиличининг дарагини топган-

**Тарих ва тақдир**

лигини эшитиб жуда қувондим. Чунки анчадан бери мен ҳам қайсидир мамлакатнинг қайсидир музейида айнан Заҳириддин Бобурга тегишли қиличнинг борлиги ҳақида эшитгандим. Бироқ бу масала билан алоҳида шуғулланиш, интернетга киришга имкон тополмаётган эдим. Бу нажиб мақсадни амалга ошириш тарихчи, филолог мутахассисига эмас, тиббиёт соҳаси профессорига насиб этгани ҳам қувонарли. Камина бу топилдиқнинг тарихини сўзлаб беришни Мирмаҳмуддан илтимос қилдим. У қуйидагиларни гапириб берди:

"Авваламбор, ўзбек адабиёти ва тарихи билан шуғулланган ҳар бир киши Заҳириддин Бобур ижоди билан имкон қадар таниш бўлиши, бу юксак истеъдод соҳибининг шахсий ҳаёти ва ижодини оммага етказишга интилиши керак. Кейинги пайтда Президентимиз ташаббуслари билан бу соҳага оид кўпгина ишлар амалга оширилгани барчамизни қувонтиради. Мен ҳам бу хайрли ишдан четда қолишни истамаганим боис, Бобур қиличи қаердалигига оид маълумотларни топишга уриндим. Айрим мутахассислар бу қилич Франциянинг Лувр музейида эканлигини айтишди. Бу маълумот тўғри чиқмади. Жуда кўп муддат интернет орқали мазкур музейнинг фондига киришга, Бобур қиличига оид маълумотга эга бўлишга интилдим. Начора, мақсад амалга ошмади. Шу тариқа, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Санкт-Петербург музейлари материалларини ҳам интернетдан қидирдим, бироқ тополмадим. Шундай бўлса-да, изланишлардан тўхтамадим ва ниҳоят Нью-Йоркдаги "Метрополь" музейи фондидан Бобур қиличи шу ерда сақланаётгани тўғрисида "Мўғул қиличи" сайтида "Сабля Великого Могола Бабура", деган маълумотига дуч келдим ва уни тезда интернет сайтидан кўчириб олдим. Мазкур сайтдан Бобур қиличига оид барча маълумотларни олиб, махсус файл папкада тўпладим. Ҳозир бу маълумотлар менинг қўлимда.

Бу нодир топилмага муносабатим шу билан тугамади. Зудлик билан бугунги кунда Фарғона водийсида фаолият олиб бораётган қиличсозлар, пичоқчиларга мурожаат қилиб, мазкур музей маълумотлари ва расмлар асосида худди аслидай "Бобур қиличи"ни ясаб беришларини сўрадим. Бир-икки ойлик ҳаракатим зое кетмади, айнан "Бобур қиличи"дек қилич ясовчи устани топа олмадим. Охири наманганлик пичоқчилар Андижоннинг Шаҳрихон шаҳри пичоқчилари билан бирга ишга киришдилар. Бобур қиличини ясашда уста Ашурали отанинг қимматли маслаҳатлари асқотди. Усталар Дилшодбек Норматов, Маҳмуджон Нуриддинов (бу хонадоннинг уч авлоди пичоқчилик билан шуғулланиб келмоқда, қиличсозлик ҳам шу авлодга хос) "Бобур қиличи"ни аслидагидек тайёрлашда шогирдлари билан кўп заҳмат чекишди. Ишнинг мураккаблиги муносиб метални топиш, пардоз бериш, суфталаш, айнан ўша беш аср олдин яратилган қилич нусхасига имкон қадар яқинлаштириш, даста танлаш ("Бобур қиличи"нинг дастаси архарнинг шохидан тайёрланган экан, уни топиш жуда мушкул), нақш ва ёзувларни аслидек тушириш ва бошқа юмушлар усталардан жуда катта меҳнат талаб қилди".

Биз Мирмаҳмуднинг Бобур касалликлари ҳақидаги тайёрлаётган рисоласи масаласида учрашиб турдик. "Бобур қиличи"нинг тарихи, Бобурнинг касаллиги ва унга замонавий ташхис қўйишнинг ўзигина китобхонда унча қизиқиш уйғотмаслигини инобатга олиб, рисолани кенгайтиришга, адиб касаллигига оид тарихий далиллар билан тўлдириб, ҳар ҳолда мақбул китоб яратишга жазм қилдик ва бу иш давом этмоқда. Намангандаги ўн кунлик ҳамкорлик муддатимиз ҳам тугаб қолиб, Тошкентга қайтишга чоғланганимда, зарур бўлиб қолганда, Мирмаҳмуд кузатишга чиқар экан: "Домла, сиз таниқли бобуршуноссиз ва бу соҳада менга шубҳасиз устозсиз. Мен ҳазрат Бобурнинг Нью-Йоркдаги "Метрополь" музейидан олган маълумот ва расмлар асосида шу қилични водий усталарига ясаттирдим, ижозатингиз билан шуни тақдим этсам. Ниятим — сиз орқали бу хабар кўпчиликка етиб борса", деб қолди ва мен бу таклифни шу ниятда қабул қилдим. Зотан, Мирзо Бобур қиличидан нусха олиб ясалган бу аслаҳа, энг аввало тарихга беқиёс ҳурмат, шунинг баробарида халқимизнинг ҳунармандчилик санъати боқий эканидан далолат.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, мустақиллигимиз шарофати боис юртимиздан турли сабаблар билан олиб кетилган жуда кўп қимматли буюмлар, қўлёзма ва осори атиқалар имкон қадар қайтарилмоқда, халқ мулкига айланмоқда. Насиб бўлса, манзили аниқ бўлган Бобур қиличи ҳам тарихнинг яхши ва ёмон кунлари белгиси сифатида, даҳо адибимиз Бобуршоҳни бир неча ўлимдан олиб қолган қимматли буюм сифатида ватанига қайтажак!

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

# "ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"
## 2012 йил 1-сон

Журналнинг ушбу йилдаги илк сони "Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор" сарлавҳали бош мақола билан очилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Н.Йўлдошевнинг "Оила — жамият таянчи" сарлавҳали

**Журналларни варақлаганда**

мақоласида яхшилик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша, саранжом-саришталик, садоқат ва вафо каби муқаддас фазилатларнинг ўзбек оиласига хослигига алоҳида урғу берилади. Миллий менталитетимиз негизини ташкил этадиган, бошқа миллат оилаларидан ажратиб турадиган бундай қадриятларимиз айнан оила муҳитида шаклланиб, ёшлар онгига сингдириб борилиши, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, оилавий ажримлар, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишда тарғибот-ташвиқотнинг ўрни беқиёслиги таъкидланади.




Юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан берилган "Ўзбекистоннинг ўз конституциявий модели" сарлавҳали мақоласида Ўзбекистон собиқ иттифоқда биринчилардан бўлиб ҳақиқий суверенитетга эришиш мақсадини эълон қилгани, президентлик бошқаруви жорий этилгани, давлат рамзлари бўйича комиссия тузгани, Мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилганлиги, Конституциявий комиссия тузганлиги ва ўз Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида сўз юритади.

Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи биринчи ўринбосари, юридик фанлари номзоди М.Турғуновнинг "Тарих саҳифаларида" рукнида берилган "Авесто"ни ўрганиш тарихшунослиги" мақоласида ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқининг тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритилган. "Авесто"нинг уч қўлёзма нусхаси бўлган, — дейилади мақолада келтирилган иқтибосларда. — Унинг бир нусхасини Искандар йўқ қилиб ташлаган. Бир нусхаси Юнонистонга жўнатилган. Бир нусхасини эса зороастризм эътиқодига содиқ кишилар сақлаб қолганлар. Кейинчалик сосонийлар ҳукмдорлиги даврида (милоднинг III-VII асрлари) зороастризм расмий эътиқод сифатида танилган. Сосонийлар "Авесто"ни тиклаш учун унинг мазмунини ўрганишган ҳамда уни паҳлавий тилида ёзиб чиқишган". Муаллиф зардуштийлик дини ва таълимотининг манбаи бўлган бу асарнинг юртимиз халқлари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий ҳаётини белгилаб берганига эътибор қаратган.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси А. Аҳмедовнинг "Жамият барқарорлигининг асоси", Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Т.Норбоеванинг "Аҳоли ижтимоий ҳимояси — бош мезон", Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳ.Каримованинг "Ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш манбалари" ва бошқа кўплаб мақола, тадқиқотларда ҳам ижтимоий-маънавий ҳаёт ҳамда ҳуқуқий маданиятга доир муаммолар хусусида фикр юритилган.

# ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

Пойтахтимиздаги рус академик драма театри саҳнасида Миллий рақс ва хореография олий мактаби битирувчиларининг концерти бўлиб ўтди. Бу йилги концерт "Халқаро рақс куни"га бағишланди. Битирувчилар М.Петипа хореографияси асосида "Уйқудаги малика" балетидан, "Шелкунчик" балетидан вариациялар, Й.Гайднни "Мумтоз вариация"сини, "Беҳуда эҳтиётколик" балетидан вариация (Ж.Коралли саҳналаштирган) ва хореограф Вайноненнинг "Мусиқий табакерка" балет рақсларини намойиш этдилар. Халқ рақси дастуридан "Ирландча рақс", Г.Ижицкий саҳналаштирган "Русча кадриль", М.Турғунбоева саҳналаштирган "Катта ўйин", "Муножат", К.Миркаримова саҳналаштирган "Савти муножат", "Синахи-рож", "Грузинча рақс" ўрин олган.

**Озода БУРХОНОВА**

# КУНДАЛИК ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Сабабдан сабаб, деганларидек, ушбу мақоланинг ёзилишига бир воқеа туртки бўлди. Камина нафақада, бўш пайтларимда китоб мутолаа қилишни хуш кўраман. Китоб ўқиб чарчаган пайтларда кўзларимни дам олдириш учун кўча ва майдонларни айланаман. Шундай кунларнинг бирида собиқ ўқувчим, ҳозир А. Қодирий номидаги Жиззах педагогика институти талабасини кўриб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, талаба: "Домла, учрашиб қолганимиз яхши бўлди. Ўзи сизни кўриб, бир маслаҳат олмоқчи бўлиб юрувдим — деб қолди. — Мен кундалик тутмоқчиман. Уни қандай ёзиш, тўлдириб боришни билмаяпман...".

Тўғриси, жавобга оғиз жуфтладим-у, бироқ бир оз шошиб қолдим. Ахир, саволга жўяли жавоб айтиш керак-да. Ҳозирча нотўкис фикрлар билан талабани чалғитмаслик учун шундай дедим:

— Бу бир-икки оғиз гап билан жавоб бериладиган савол эмас. Яхшиси, шанба-якшанба кунлари келсангиз, бафуржа ўтириб суҳбатлашамиз, — дедим.

Шу вақт орасида барча адабиётшунослик луғатларини кўриб чиқдим-у, бироқ аниқ жавоб тополмадим. 1981 йили нашр этилган икки жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да кундаликка шундай изоҳ берилган:

а). Ҳар кунги, ҳар бир кунга хос;

б). Кунда бўлиб турадиган, одатдаги;

в). Ҳодисалар, кузатишлар ва ҳ. к. ёзиб бориладиган журнал, дафтар;

г). Ўқувчиларнинг уйга бериладиган вазифаси ёзиб қўйиладиган дафтар.

Бизнингча, биринчи ва учинчи изоҳдаги жавоблар мавзумизга яқин келади. Чунки бу жавобларнинг қамрови нисбатан кенг.

2006 йилда нашр этилган 9-синф она тили дарслигининг расмий услуб бўлимида кундалик бирорта услубга киритилмаган. Ҳолбуки, унда бадиий ва илмий услубларнинг унсурлари учрайди.

Хўш, кундалик нима? У қандай ёзилади?

Кундалик тутиш кўпчиликка хос одат ва анъанадир. Кўплаб фозилу фузалолар, адибу алломаларнинг таржимаи ҳоли билан танишсангиз, улар ҳам кундалик тутганига амин бўласиз.

Психологлар эътироф этишича, одамларнинг дастхати, ҳусни хати, имзоси орқали уларнинг характерини айтиб бериш мумкин экан. Дарвоқе, ҳар қандай кундаликни ўқиб, муаллифнинг характери, билими, салоҳиятини бемалол айтиб берса бўлади. Дейлик, кундаликка дарж этилган воқеалар баёнида изчилликка риоя қилинган бўлса, фикрлар аниқ ва лўнда, тили равон, воқеа-ҳодисаларга холис ёндашилган бўлса, муаллифнинг теран фикрловчи киши эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Аксинча, воқеалар ноизчил ёритилган, фикрлар тўлиқ эмас, тузилган жумлалар ғализ ва тўмтоқ, ҳаддан ташқари баёнчиликка берилиб кетилган бўлса, бу муаллифнинг билими юзакироқ, характерида ҳам бир оз нотугаллик бор экан, деган хулосага келасиз.

Кундаликни одатда ўзини билган, оқ-қорани таниган, табиат ва жамият ҳодисаларига муносабатини ифода этишга қодир кишилар тутадилар. Иккинчидан, кундалик ёзишда муайян ёш белгиланмайди. Уни ақли расо, маълум тайёргарликка эга бўлган ҳар қандай киши ёзиб бориши мумкин.

Биз кўп йиллик кузатишимиздан келиб чиққан ҳолда, кундаликларни шартли равишда учга бўлдик: оилавий-маиший кундалик; илмий мақсадларга йўналтирилган кундалик; аралаш кундалик. Оилавий-маиший кундалик бир шажара, оила ёки оиланинг маълум бир аръзоси ҳақида ёзилиши мумкин. Шажара ҳақида ёзилган кундаликларнинг қамрови жуда кенг. Демак, кундаликнинг ҳажми ҳам шунга яраша бўлади. Аждод ҳақида кундалик ёзган, ёзаётган киши ўта билимдон, нуктадон, зийрак, холис, адолатли бўлиши лозим.

Оилавий кундаликда ўзи яшаётган оила ҳақидаги муҳим воқеалар қаламга олинади. Шажара, оила ҳақида сўз борганда тафсилот объекти бўлган шахс ҳақида, юқорида айтганимиздек, муаллиф холис, бетараф фикр юритиши керак. Ўша инсоннинг ютуғи, камчилиги, ижобий ва салбий хусусиятлари рўй-рост ёзилиши зарур. Ҳатто бирор жисмоний нуқсон ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Тарихда яшаб ўтган қанчадан-қанча буюк шахслар ҳам камчиликлардан холи бўлмаган...

Кундаликда муҳим воқеалар, уларда қаҳрамоннинг иштироки, воқеа-ҳодисага муносабати аниқ

**Мулоҳаза**

берилиши керак. Бўлар-бўлмас воқеалар билан дафтарни "семиртириш"га ҳожат йўқ. Кундаликда ифода этилаётган шахс қиёфаси, бошқалардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари, қизиқиши, хоббиси, ўша вақтдаги табиат тасвири ҳам кундаликнинг ўқишли бўлишини таъминлайди.

Илмий мақсадларга йўналтирилган кундаликларда, албатта, ихтиро, кашфиёт, фан равнақи бош мақсад қилиб олинади. Оилавий-маиший кундаликнинг ҳажми катта бўлиб, неча ўнлаб йиллар давомида ёзиб борилса, илмий мақсадларга йўналтирилган кундалик ҳажман қисқа бўлади. Чунки муддат бору-йўғи бир неча кун, ой, нари борса, бир неча йил бўлиши мумкин. Масалан, XVIII асрда яшаган Жон Гентер, француз Луи Пастер, эпидимиолог олим Леонид Исаев ва бошқа олимлар ўзлари тадқиқот олиб бораётган касалликнинг вирус ва микробларини онгли равишда ўзларига юқтиришган. Пьер Кюри (1859-1906 й) эса ўзи ихтиро қилган радий билан танасини нурлантирган. Радиактив нурнинг организмга таъсирини ўрганиш учун кундалик тутган. Бу ҳақда уларга ёзиб бориб, илмий хулосага келганлар. Биз бундай касб эгаларини ҳақиқий фан фидойилари деймиз.

Машҳур саркардалар, сиёсатчи ва сайёҳлар ҳам кундалик тутишган. Испан сайёҳи ва элчиси Клавихо, венгер этнографи Вамберилар ёзган кундаликлар фикримиз далилидир. Клавихо қарийб икки йил Соҳибқирон Амир Темур салтанатида нимани кўрган бўлса, ҳаммасини рўй-рост, очиқ, бўямасдан, бўрттирмасдан холис туриб ўз битигига киритган ва шунинг учун ҳам унинг кундалиги жаҳон тарихининг бебаҳо мулкига айланган. Клавихо "Кундалиги" Амир Темур шахси ва Соҳибқироннинг буюк давлати тарихини ўрганувчилар учун муҳим манбаа сифатида ғоят қадрлидир. Даниэл Дефонинг "Робинзо Крузо", Гётенинг "Ёш Вертернинг изтироблари", Рашод Нури Гунтекиннинг "Чолиқуши" романлари ҳам аслида кундаликлар услубида битилган.

Гидрометерологларнинг кунлик кузатишларини ҳам кундалик дейиш мумкин. Чунки улар кундалик об-ҳаво маълумотларини кузатиб, тегишли равишда қайд этиб боришади. Кейинчалик маълумотлар бир-бирига таққосланиб, илмий хулоса чиқарилади.

Кундаликда ҳам оилавий, ҳам илмий изоҳлар учраса, уларни аралаш кундаликка киритиш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома"си бунга мисол бўла олади. Бинобарин, кунлик зарурий эҳтиёж туфайли дунёга келиб, оилавий-маиший, шахсий ҳаёт ва илмий мақсадларни кўзлаб ёзилган битикларни кундалик деб аташ мақсадга мувофиқ. Шу сабабли, бизнингча, кундалик алоҳида жанр сифатида эътироф этилиб, "Адабиётшунослик терминлари" луғатига киритилиши керак.

Менимча, талаба укамиз бу жавоблардан қониқиш ҳосил қилса ажаб эмас. Бордию бошқаларда бу фикрларни бойитадиган мулоҳазалар бўлса, уларни ҳам эшитишга тайёрмиз. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, деб бежиз айтишмайди-ку.

**Абдумурод ЯЛЛАБОЕВ**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси**

Китобингизни ўқидим

# ПОЭТИК ҒОЯ ВА РУҲИЙ ТАҲЛИЛ

Истиқлол даври ўзбек прозасида жаҳон адабиётининг етакчи тамойиллари ўз аксини топаётгани эътиборга лойиқ. Хусусан, ҳаётий воқеа-ҳодисалар таъсирида юзага келган қаҳрамон ўй-хаёлидаги, қалбидаги мураккаб руҳий кечинмаларни руҳий таҳлил (психоанализ) орқали ифодалаш тенденцияси кучайиб бормоқда. Поэтик ғоя ва руҳий таҳлил уйғунлигининг юксак намуналари саналган А.Камю, Ж.П.Сартр каби адибларнинг асарларида қаҳрамоннинг фавқулодда вазиятлардаги руҳий ҳолатлари тасвирига кенг ўрин берилади. Зотан, экстремал ҳолатда тўғри қарор қабул қилиш — яхшилик ёки ёмонлик, ҳақ ёки ноҳақлик йўлини танлаш юз беради. Ғарб жамиятига хос иллат, яъни юксак инсоний идеалларидан юз ўгириб, фақат мавжуд бўлиш учунгина яшаш "фалсафаси"нинг бадиий-эстетик тадқиқи ва талқини акс этган, номлари юқорида зикр этилган адиблар асарлари китобхонни маънавий-руҳий инқироздан огоҳ этиши билан улкан тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Замонавий ўзбек прозасида ҳам мавжудлик — экзистенция мавзусида: ҳаётий воқеа-ҳодисалар жараёнида инсонлик бурчини, фуқаролик масъулиятини унутиш, лоқайдлик, фаолликни йўқотиб, оқимга ўзини ташлаб қўйиш ҳолатлари ва уларнинг оқибатларидан огоҳлантирувчи асарлар ёзилмоқда. Бу эса адабий жараёнда фалсафий, услубий изланишлар жонланганидан далолатдир. Таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Шарқ" НМАК томонидан чоп этилган "Қиссалар" китоби бошида муаллиф ҳикоя ва романга нисбатан қисса жанрининг имкониятлари кенглигини айтади: "Роман салмоқдорлиги билан, ҳикоя ихчамлиги билан ўзига хос. Қисса эса романга, ҳикояга нисбатан эркинроқ, эркароқлиги билан жозибали, кўнгилга яқин. Бир тақдир, бирор воқеа-ҳодиса, бирорта ғоя ёки фараз ҳақида сўзлашга киришдингизми, қисса ёзиляпти деяверинг! Халқимизда азал-азалдан қиссанавислик, қиссахонлик кенг расм бўлган. Бизнинг замонимизга келиб, бу ижод тури жаҳон адабиёти тажрибаларига чатишди, жанр сифатида анча-мунча "маданийлашди", натижада жанр табиатидаги эркинлик, очиқлик туфайли қиссанинг имкониятлари орта борди, кўлами, қамрови беҳад кенгайди".

Дарҳақиқат, қисса жанри имкониятлари ортиб, кўлами ва қамрови кенгайганини ёзувчининг "Қиссалар" китобига жамланган "Нигоҳ", "Паноҳ", "Оромкурси", "Чаёнгул", "Сўроқ", "Ҳижроним мингдир менинг", "Мен-сенсиз, сен-менсиз", "Куза..." асарларини ўқигач, ишонч ҳосил қиламиз.



"Нигоҳ" қиссасида қаҳрамон — оддий трамвай ҳайдовчи аварияга йўл қўяди: бир сонияда тормоз дастагини тортишни истамаган учун вагон трамвай йўлидаги "Волга"ни пачоқлаб, уч-тўрт метргача суриб боради. Вагонда қий-чув, тўс-тўполон, кўчада тумонат одам. Аммо ғалати томони – трамвай ҳайдовчи лоқайд, бепарво: "Бек воқеага заррача алоқасиз одамдек пинагини бузмади".

Мана шу лоқайдлик, инсоннинг ўзига ва бошқаларга бепарволиги, ҳалокатга ҳам оддий ҳол деб қараши, жамият олдида масъулиятни ҳис этмаслик — шахснинг маънавий инқирозини билдирмайдими? Ёзувчи бу фавқулодда ҳодисага айбдордан бошқалар бепарво эмаслигини айтади: "Вагон ичидаги, ташқаридаги ғала-ғовур, шовқин қулоққа (ҳайдовчининг қулоғига — **Д.Т.**) элас-элас чалинаётгандай базўр эшитиларди". Одатда, фалокат юз берганида уни содир этган одам гангиб, карахт бўлиб қолади. Аммо қисса қаҳрамони, трамвай ҳайдовчи Бек эсанкирамайди. "Волга" шофери ўтирган жойидан отилиб чиқди. Бекни ямламай ютгудай важоҳатда, дағдаға билан яқинлашиб келаверди. Зум ўтмай, унинг ёнида милиционер пайдо бўлди... Бек беихтиёр, лекин оғир жилмайди... "

Қисса қаҳрамони руҳиятини билмасак, ҳайдовчининг жилмайишига бало борми, дер эдик. Аммо йўл қоидаларидан хабардор ўқувчи тушунадики, трамвай келаётганида "Волга" ҳайдовчиси трамвай йўлини кесиб ўтиши мумкин эмас. Балки шуни билгани учун ҳам Бек бепарводир?.. Аслида эса у била туриб тормоз дастагини тортмайди: "Нима бўлса бўлар!", дейди.

Мана шу "фалсафа" — "Нима бўлса бўлар!" — экзистенциячи адиблар ижодидаги етакчи мавзу. Зотан, бундай маслак барча фалокатларнинг сабабчисидир. Бек аварияга учраган одамларга қайғурмайди, балки ишга чиқишга тезроқ рухсат олишини ўйлаб ташвишланади, холос.

Шу ўринда қиссанинг поэтик ғоясига асос бўлган ҳаётий воқеа-ҳодисалар яқин ўтмиш — мустабид шўро тузуми даврига хос бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Худосизлик авж олган, иймон-эътиқод сустлашган шароитда оғир жисмоний меҳнатдан бош кўтармаган одамнинг маънавияти қашшоқлашиб, дунёқараши торайиб қолгани, худди асар қаҳрамони Бек каби "Нима бўлса бўлар", деган лоқайд маслакда ўралашиб юргани ўша давр одамларининг фожеаси эди. Бундай шароитда, ўшандай жамиятда Беклар яшамайди, балки фақат тирик юрадилар, экзистенциячилар айтганидек, фақат мавжуд бўладилар, холос.

Аммо ғарб жамияти ва ғарб кишиси руҳиятидан фарқли равишда шарқона ҳаёт ва турмуш тарзи ўзаро ҳамжиҳатликка, жамоавий бирдамликка, меҳр-оқибатга таянади. Жўшқин лиризмга уйғун ифодаланган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Паноҳ" қиссаси меҳр-оқибатли қишлоқ одамларининг инсоний фазилатларини очувчи руҳий кечинмалар, ҳаяжонли ҳис-туйғулар ва Ватан тимсоли бўлмиш Она ўрик, унинг данагидан ўсиб, ҳосилга кирган уч туп Гулинур деб аталувчи дарахтларга меҳрли нигоҳлар китобхон кўз ўнгидан кино тасмаларидаги рангин манзаралардек бир-бир ўтади. Қиссанинг асосий мавзуи табиий офат — зилзила вайронлари фонида яна-да нурланиб кўринган қишлоқ одамларининг меҳр-оқибатидир. Ёзувчи Жўба қишлоғидаги ҳар бир кўча, ҳар бир ҳовлини, у ерда яшовчи оналар, оталар, келинлар, қизлар, йигитларни бош қаҳрамон Аҳмадалининг нигоҳи, кечинмалари, ҳис-ҳаяжонлари призмасидан ўтказиб, нозик ҳис этиб, тасвирлайди. Қиссада тасвирланган ҳаётий вазият, ҳолатлар, манзаралар, воқеа-ҳодисалар китобхонда ҳис-ҳаяжон, теран фикрлар, эзгу туғуларни уйғотади. Кўплаб персонажлар қисмати турли ҳаётий муаммоларга мантиқан узвий боғланиб кетган бу асарда қаҳрамонлар жамиятдан, табиатдан бегоналашмайди, балки аксинча халқимиз менталитетига хос гуманизм, меҳр-оқибат, маънавий мусаффолик улуғланади.

"Қиссалар" китобидаги "Оромкурси", "Чаёнгул" ва "Сўроқ" асарларида реал ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатлари, таъбир жоиз бўлса, бадиий тафтиш қилинади. Бу қиссаларда реалистик бадиий наср имкониятлари билан бирга замонавий кинотасвир усулидан ҳам муаллиф яхши фойдаланган. Бундай тасвир — қаҳрамонлар қалбида, руҳиятида юз бераётган ҳолатлар — асар тилининг экспрессивлигини, таъсирчанлигини оширган. Жумладан, "Чаёнгул"-да дедектив асарларга хос хусусиятлар бўртиб кўринса, "Оромкурси"да реалистик ва фантастик унсурлар уйғунлиги яхлит поэтик ғояни ифодалайди.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг янги китобидаги «Ҳижроним мингдир менинг» ва унинг давоми «Мен-сенсиз, сен-сенсиз» қиссаларини фақат ёзувчи ижодининг эмас, балки ҳозирги ўзбек лирик прозасининг ҳам энг гўзал намуналари, дейиш мумкин. Хуршид жаҳон мумтоз адабиётидаги руҳни юксалтирувчи севги қиссаларидан таъсирлангани сезилади. Бу асарларида адиб Шарқ мумтоз адабиётига хос афлотуний, беғараз севгини, васл умиди ва ҳижрон изтиробларини, меҳрга, яхшиликка лиммолим ҳис-ҳаяжон ва кечинмаларни самимий тасвирлайди. Бу қиссалар севишганларнинг мактубларидан иборат. Ғарб мумтоз адабиёти намояндалари Руссо, Гёте мактублар ва кундаликлар шаклида ёзган «Янги Элоиза», «Ёш Вертернинг изтироблари» асарлари жаҳонда кенг шуҳрат қозонган. Бундай адиблар асарларидан ижодий илҳомланиб асар ёзиш хайрлидир. Аммо бу ҳар қандай ёзувчининг қўлидан келавермайди. Мактуб шакли қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини, севги изҳорини тасвирлаш учун қулай имкониятлар беради. Аммо бошқа жиҳатдан бу шаклдаги асарларда сюжет, характерлараро тўқнашувлар, конфликт, воқеалар ривожи, кульминация, ечимнинг деярли йўқлиги боис, ўқувчиларнинг эътиборини тортиб туриш ёзувчидан катта маҳорат талаб этади. Хуршид руҳий кечинмалар, севги, ҳижрон изтироблари талқинида ўзининг маҳоратини намоён эта олган.

Севгини жозибали ва гўзал қилиб турган ҳолат севишганларнинг бир-бирига етишолмаслиги, висол орзуси, ҳижрон изтиробларидир. Ёзувчи вафо, соғинч изтиробларини тасвирлаш учун баъзан ҳаётий воқеага ўрин беради. Қисса қаҳрамони севгилисига мактубида ёзишича, ўсмирлик, шўхлик чоғларида кўчада бегона бир бўрибосар итни ушлаб, ҳовлисида занжирда сақлайди. Ит эгасини қўмсаб овқат ҳам емайди, хасталаниб қолади. Онаси болани койийди: «Эгасига элтиб бер, қўйиб юбор!», дейди. Эгаси учинчи марта излаб келганида йигитча итни унга беради. Ит эгасини кўриб, ирғишлаб-сакраб юз-қўлларини ялайди. Йигит мактубида афсусланиб ёзади: «Биз, одамлар гоҳида шу итчалик меҳр-оқибатли эмасмиз». Қиз эса, жавоб мактубида: «Мен ҳам сизни ўша жонивордек соғинишимга ишонасизми? Сизни шу қадар соғинган қиз Сизни бошқалардан қизғонмайди, деб ўйлайсизми? Сиздек сирдошим борлигидан фахрланаман, бошим осмонга етади», деб уни юпатади.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг севги қиссаларида ахлоқий поклик, беғаразлик, меҳр ва инсонларнинг маънавий гўзаллиги улуғланади. Адибнинг севги фалсафасига ва ҳимоясига доир бу икки қиссаси ўзбек бадиий насрида руҳий ҳаётга эътибор кучайганлигини кўрсатади.

Тўпламдаги охирги "Куза..." номли қиссани ёзувчининг муҳаббат мавзуидаги бадиий, ғоявий изланишларининг мантиқий, такомилига етказилган самараси, дейиш мумкин. Бу асар муаллифнинг олдинги қиссаларидан шакли, мавзулар кўлами, тасвир ва талқиннинг мутлақо янгилиги билан ажралиб туради. Севги "савдо"си энди оила муҳити, жамият олдидаги масъулият, бурч билан уйғун кечади. Глобаллашув жараёнининг ҳаётимизга, турмуш тарзимизга таъсирлари, миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти, туб ўзгариш ва янгиланишлар ичида инсоннинг ўзини, ўзлигини англашга уринишлар анъанавий реалистик талқиндан ўзгача — қаҳрамоннинг руҳий ҳолатлари таҳлили, "онг оқими"да акс этган узуқ-юлуқ, бироқ мантиқан яхлит манзаралар, лаҳзаларда кечган қалб кечинмалари орқали кўрсатилади. Бу қиссада муаллифнинг ижодий фаолияти давомида изчил давом этган бадиий-эстетик изланишларининг жозибали натижаси яққол кўзга ташланади.

Тўпламдаги айрим қиссаларда маромига етмай қолган тасвирлар ҳамда таъсирчанликни кучайтириш мақсадида воқеаларга атай фожиали тус беришга уринишлар учрайди. Масалан, "Оромкурси" қиссаси қаҳрамони амалпарастлик қутқусидан воз кечиб қишлоғига қайтишга, ҳамма одамлар каби яшашга қарор қилади. Унинг бу хатти-ҳаракати асарда мантиқан асосланган. Бироқ қисса якунида қаҳрамон яна ётоғига қайтиб, ақл-ҳушини йўқотиб, деразани очади-да оромкурсининг устига чиқиб ўзини тўққизинчи қаватдан ташлайди. Эҳтимол бу билан муаллиф мансабпарастлик иллатининг оқибатини кўрсатмоқчи бўлгандир. Аммо бундай хотима асарнинг поэтик ғоясига, қаҳрамон характерига зид. Шундай мантиқан асосланмаган саҳналар "Чаёнгул" қиссасида ҳам учрайди.

Бу каби жузий камчиликлардан қатъий назар "Қиссалар" тўплами Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ижодий ютуқларини тўла намоён этадиган китоб бўлган. Унда жамланган асарлар миллий насримизнинг кейинги чорак аср мобайнида қисса жанрида эришган салмоқли ютуқларидандир.

**Дамин ТЎРАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

*Қарши*

# АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Тақриз

Ўзбек адабий танқиди илдизлари эътиборимизни олис асрларга – Форобий, Ибн Сино, Замахшарийларнинг филологик йўналишдаги асарларига жалб этса-да, адабиётшунослик илмининг бу муҳим соҳаси асосан XX асрда шаклланди, камол топди. Бинобарин, унинг шаклланиш ва тараққиёт йўли XX асрдаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий жараённинг баланд-паст, сокин ва бўронли сўқмоқлари оша ўтди. Адабий танқиднинг бу машаққатли йўли нафақат ўзбек адабиёти, балки умуман ўзбек маданиятининг XX асрда босиб ўтган йўлини барча мураккабликлари билан муайян даражада акс эттиради.

Шу нарса қувонарлики, академик Бахтиёр Назаров, фан докторлари Абдуғафур Расулев, Шоира Аҳмедова ва Қурдош Қаҳрамоновдан иборат муаллифлар гуруҳи ўзбек адабий танқидининг бир асрдан зиёдроқ тарихини кунт билан ўрганиб, филологик йўналишдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун дарслик яратдилар. "Ўзбек адабий танқиди" дарслиги шу соҳа бўйича яратилган дастлабки асар эмас. Бундан аввал Б.Назаровнинг "Ўзбек адабий танқидчилиги" (1979), Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий жамоасининг 2 жилдли "Ўзбек совет адабий танқиди тарихи" (1987), Б.Дўстқораевнинг "Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи" (1989), Н.Худойберганов ва А.Расулевнинг "Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи" (1990), Б.Раҳмоновнинг "Ўзбек адабий танқидчилиги" (2004), Ш.Аҳмедованинг "Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари" (2008) китоблари ва, ниҳоят, "Ўзбек адабий танқиди тарихи" (2011) антологияси майдонга келган эди. Шубҳасиз, миллий адабий танқид тарихига бағишланган бу асарлар мазкур дарсликнинг юзага келишида муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилган. Аммо бу ҳол дарслик муаллифларининг енгил ва босиб ўтилган йўлдан борганларини англатмайди. Зеро, мустақилликка қадар ёзилиб, чоп қилинган аксар илмий асарлар шўро мафкураси таъсиридан холи бўлмаганидек, бу асарларнинг муаллифлари ўз олдиларига ўзбек адабий танқидининг мукаммал тарихини яратиш вазифасини ҳам қўймаган эдилар. Қолаверса, бирор соҳа тарихини яратиш бошқа-ю, шу соҳа бўйича дарслик яратиш бошқадир.

Бадиий адабиёт ёки адабий танқид тарихини яратишга киришган муаллифлар олдида бир қатор нозик муаммолар туради. Шулардан бири ва биринчиси даврлаштириш муаммосидир. Дарслик муаллифлари Н.Худойберганов ва А.Расулев ҳамда Б.Раҳмоновнинг китобларида, шунингдек, С.Содиқнинг Б.Раҳмонов китобига ёзган тақризида тавсия қилинган даврлаштиришдан фарқли ўлароқ ўзбек адабий танқиди тарихини тўрт даврга ажратганлар. Булар:

1.Янги ўзбек адабий танқидчилигининг пайдо бўлиши ва шаклланиши (1900 — 1927).

2.Ўзбек адабий танқиди мафкуравийлаштириш ва реализм учун кураш жараёнида (1928 — 1961).

3.Танқидда бадиият ва маҳоратга эътиборнинг кучайиши (1962 — 1991).

4.Ўзбек танқидчилигида истиқлол даври (1991 йилдан кейинги давр).

Ўзбек адабий танқиди тарихини бундай даврлаштириш ва даврларнинг бундай номланиши масаласида муаллифлар билан баҳслашиш мумкин. Аммо улар тақдим қилган даврлаштириш тамойилининг муайян илмий мантиққа асосланганини инкор этиш инсофдан эмас.

Агар ўзбек адабий танқиди тарихининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнига назар ташласак, танқидчиларнинг адабий жараённи аксар ҳолларда шўро мафкурасининг кўзойнаги билан кузатганларига шоҳид бўламиз. Масалан, 1927 йил 14 февралда "Қизил Ўзбекистон" газетасида Айн(Олим Шарафиддинов)нинг "Ўзбек шоирлари. Чўлпон" мақоласининг эълон қилиниши билан адабиёт оламида ҳали етиб келмаган 37-йилнинг совуқ шамоллари эса бошлади. Чўлпон буржуазия синфининг куйчиси ва шўро даври кишиларига ёт шоир сифатида баҳоланган бу мақолага қарши 22 яшар Ойбек ўша газетанинг 17 май сонида "Шоирни қандай текшириш керак?" деган мақола билан чиқиб, устоз шоирни мардона ҳимоя қилди. Бу мақола адабиёт соҳасидаги расмий сиёсатга зид бўлгани учун Марказкомга яқин бўлган Усмонхон (Эшонхўжаев) ўша газетанинг 22, 23 ва 27 июнь сонларида Ойбекка қарши "Мунаққиднинг мунаққиди" мақоласини эълон қилди. "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 28 август сонида яна Ойбекнинг "Мунаққиднинг мунаққиди мақоласининг эгаси" мақоласи босилди. Бошқа бирорта адиб ёки адабиётшунос бу баҳсда иштирок этишга журъат этмади. Чўлпон мухлислари сиёсий баҳсда ғолиб чиққани учун Ойбекни табрикладилар. Аммо Ўзбекистон маданияти ходимларининг 1927 йил 4-5 октябрда бўлиб ўтган қурултойида Марказком котиби бу баҳсга якун ясаб, бундай сўзларни айтди: "Айннинг Чўлпон ижоди ҳақидаги танқидий мақоласи муносабати билан бизда қатор (?) мунозара бўлиб ўтди. Айн Чўлпоннинг мафкуравий собитсизлигини тўғри кўрсатиб берди. Мен бу тақризнинг адабиётшунослик нуқтаи назардан қиммати ҳақида сўзлашга журъат қилолмайман. Фақат шуни таъкидлайманки, мафкуравий соҳада шундайгина соғлом танқид бўлиши лозим. Бу, бизнинг шу йили эришган умумий ютуғимиз бўлиб қолади. Энди кўпгина ёшлар "адабиёт — адабиёт учун" деган формула моҳият эътибори билан буржуазия формуласи эканини тушуниб қолдилар. Ёш шоир Ойбек эса масалага фақат тил, услуб ва шеърий образлар нуқтаи назаридан қараб, тўғри натижага эришиш учун унга синфий манфаатлар ва мафкура позициясидан туриб ёндаша олмади. У соддадиллик билан сўрайди: нега руслар Пушкинга ҳурмат билан муносабатда бўладилар-у, биз бўлсак, Чўлпонни сўкканимиз сўккан? Биз Ойбекка бундай жавоб беришимиз мумкин: биз ҳам Навоий хотирасига ҳурмат билан қараймиз, бизда ҳам унинг номи билан аталган мактаблар ва кўчалар бор... Шундай қилиб, биз ёлғоннинг бошига ҳақиқат билан урамиз".



30-йилларда "ёлғон бошига ҳақиқат билан уриш" кампанияси натижасида айрим танқидчилар шўро мафкурачилари билан бақамти бўлиб, ўнлаб Чўлпонларга қамоқхона эшикларини очиб бердилар.

Каминанинг бу масалага махсус тўхталганимнинг сабаби шундаки, бадиий ижоднинг ўзига хослигини, асарнинг бадиий латофатини, сўз жозибасини ҳис этмаган ҳолда танқидчилик қилиш яқин-яқинларгача давом этиб келди. Шунинг натижасида ижод аҳли ўртасида адабий танқиднинг қадри бир мунча кетди. Ёзувчилар танқидчилардан ҳуркадиган бўлиб қолдилар. (Ҳолбуки, дарсликда қайд қилинишича, "Садои Туркистон" газетасининг 1914 йилдаги сонларидан бирида Аҳлулло Ҳайбулло ўғлининг танқид ҳақидаги мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда танқидчининг одоб доирасидан чиқмаслиги алоҳида қайд этилган. Ўзбек адабий танқидининг вужудга келиш йилларидаёқ танқидчи этикаси муҳим масала ҳисобланган.)

Ўша мужмал шароитда М.Қўшжонов ва О.Шарафиддинов адабий танқид майдонига бел боғлаб тушдилар. Улар адабиёт ҳақида, ёзувчи ва унинг асари ҳақидаги аччиқ, аммо тўғри гапни айтиш ва ҳатто танқидий фикр-мулоҳазалари танқид қилинаётган ёзувчиларга ҳам маъқул бўлиши мумкинлигини исботлаб бердилар. Шубҳасиз, адабий танқидимизнинг ижодий ютуқларга эришиши ва юксалишида С.Мамажонов, У.Норматов, И.Ғафуров ва бошқа мунаққидларнинг ҳам хизматлари оз эмас.

Дарслик муаллифлари олдида турган яна бир нозик масала шунда эдики, улар бир асрдан зиёд тарихга эга бўлган ўзбек адабий танқиди намояндалари орасидан энг муносибларини танлаб олишлари лозим эди. Агар 30–60-йиллардаги матбуот саҳифаларини варақласак, фақат Сотти Ҳусайн ва Отажон Ҳошимнинггина эмас, балки Ҳамид Олимжон ва Шайхзоданинг, шунингдек, С.Қосимов, С.Азимов, М.Юнусов ва Ҳ.Убайдуллаевнинг ҳам танқидчилик фаолияти билан самарали шуғулланганини кўрамиз. Уларнинг шу даврдаги адабий-танқидий мақола, рисола ва монографиялари, балки А.Саъдий, О.Ҳошим ва С.Ҳусайннинг вульгар социологизм таъсиридан холи бўлмаган мақолаларидан кўра аҳамиятлидир. Аммо мунаққидлар "рўйхати"ни тузишда муаллифлар муайян илмий мезонларга асосланиб, ўзбек адабий танқиди тарихининг у ёки бу даврини тўғри ёритишга ёрдам берадиган ёзувчи ва танқидчиларни танлаганлар.

Ҳар бир миллатнинг адабий танқиди шу миллат адабиётининг кўзгуси ҳисобланади. Миллий адабиёт тараққиётининг муайян босқичида қандай вульгар-социологик ёки бадиий-эстетик тамойиллар устуворлик қилган ва қандай бадиий-услубий изланишлар кечган бўлса, шу мафкуравий ёки ижодий жараён адабий танқиднинг ҳам йўналишини белгилаб берган. Муаллифлар шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда адабий танқиднинг юқорида зикр қилинган даврларида қандай тамойиллар устуворлик қилгани ва қандай ижодий муаммолар танқидчиларнинг диққат марказида турганини кўрсатишга алоҳида эътибор берганлар.

60-йилларда шўро мамлакатининг сиёсий-маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар шу давр адабиёти ва адабий танқидининг янгиланишида муҳим омил бўлди. Адабий танқид адабиётнинг, адабий жараённинг юрак уришини сеза бошлади. Шу жараёнда адабий танқид янги тур ва жанр кўринишлари билан бойиди. Бу ўзбек адабий танқиди тараққиёти тарихидаги янги ва муҳим ҳодиса эди. Муаллифлар шу масаланинг принципиал аҳамиятини чуқур англаган ҳолда "тарих"га "Ўзбек адабий танқидининг жанрий таркиби" деган махсус бўлимни киритиб, тўғри қилганлар.

Шубҳасиз, дарслик билан танишган киши ундан ҳали қиёмига етмаган фикрларни, "Миён Бузрук Солиҳов ижоди М.Раҳмонов, М.Қодиров, Ш.Ризаев каби олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган" (52-бет), деган ножўя маълумотларни, имло хатоларини топади. Аммо бундай жузъий камчиликлар муаллифлар амалга оширган катта ишнинг илмий қимматига соя ташлай олмайди. Ҳали олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун замонавий ўзбек адабиётидан янги дарслик яратилган бир вақтда "Ўзбек адабий танқиди тарихи"нинг майдонга келиши, айниқса, қувонарли ва таҳсинга сазовор ҳодиса.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

Акс садо

# УСТОЗЛАР ХИЗМАТИНИ УНУТМАЙЛИК

**("Янглиш талқинлар", "ЎзАС", 2012 йил, 11 май)**

Ҳафталик газетамиздаги турли рукнлар остида берилаётган материаллар ёши, диди, савиясига кўра бир неча тоифа ўқувчиларга мўлжалланган. Ҳар қайсимиз ўзимизнинг илмий, интеллектуал даражамиз, маънавий эҳтиёжимиздан келиб чиқиб кераклисини топиб ўқиймиз. Мени кўпроқ "Сиймолар", "Яхшилар ёди", "Ёднома" каби рукнлардаги мақолалар қизиқтиради. Нега десангиз, бу рукнларда биз ёшлигимизда шеърларини севиб ўқиган, қисса, романларини ёстиғимиз тагига бекитиб мутолаа қилган атоқли адиблар, уларнинг ҳаёт йўли, асарлари ҳақида ёзилган бўлади. Ўзимиз қўлларида таълим олган устоз адабиётшунос олимлар ҳақидаги чиқишлардан беихтиёр муаллимларимизнинг нурли сиймоларини кўз олдимизга келтирамиз.

Газетанинг яқиндаги сонида Б.Мамедовнинг бир неча авлод тил ва адабиёт ўқитувчиларига таълим берган устоз Натан Маллаев ҳақидаги, Н.Комилов ва А.Абдузуҳуровнинг атоқли навоийшунос олим Воҳид Абдуллаев тўғрисидаги мақолаларини ўқиб қониқиш ҳосил қилдим. Бу сиймолар қўлида таълим олган талабаларнинг олди бугун мен қатори нафақада. Бироқ биз учун уларнинг хотираси ниҳоятда қадрли.

Бу фикрларимни баён қилаётганимнинг боиси, яқинда газетадан Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими Қ.Эргашевнинг "Янглиш талқинлар" мақоласини ўқиб, бироз таажжубландим. Мақолада муаллиф "Алишер Навоий таржимаи ҳолининг яхши ёритилмаган даврларини", "лозим даражада ўрганилмаган жиҳатларини тадқиқ этиш"ни мақсад қилган. У ёзганидек, бу "навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан"дир. Бироқ ўзбек навоийшунослигининг сарчашмаларида турган, адабиётшуносликнинг бу соҳаси пойдеворини бунёд этишда жонбозлик кўрсатган устоз олимларнинг тадқиқотларидаги "янглиш талқинлар", "чалкашликлар" борасидаги муаллиф ёндашуви менга унчалик ёқмади. Бу мавзуда мен мақола муаллифи билан баҳслашиш ниятим йўқ. Қолаверса, навоийшунос ҳам эмасман. Менда эътироз уйғотган жиҳат — Қ.Эргашев мақоласида навоийшуносликда бундан 40-50 йил олдин амалга оширилган ишларга куни кеча йўл қўйилган хатолардек муносабатда бўлинган.

Бугунгидек эркин ижод шароити замонавий тарихимизда бўлганми? Халқ достонларига, мумтоз адабиётимиз намояндаларига яқин ўтмишда қандай муносабатда бўлинган эди? Буни мақола муаллифи мендан кўра яхшироқ билишига ишончим комил. Шоир ижодига синфий нуқтаи назардан ёндашиш қатъий талаб қилинган шўро даврида айрим жиҳатларидан кўз юмиб бўлса-да, баъзи жиҳатлар бўрттириб талқин этилса-да, улуғ меросни халққа етказиш, турли тақибу тазйиқлардан омон асраб қолишнинг ўзи фидойилик эмасми? Менимча, "Ўзбек адабиёти тарихи"нинг иккинчи жилдидаги, В.Абдуллаевнинг "Навоий Самарқандда" китобидаги "янгиш талқинлар", "чалкашликлар"нинг айрим сабаблари мустабид тузум мафкурасининг "самараси" бўлса керак. Абдуқодир Ҳайитметов, Воҳид Абдуллаевдек етук олимлар Мирхонд, Хондамир асарлари каби "манбалар билан етарли даражада танишмасдан хулоса чиқарганликлари"га сабабни улар яшаб илмий изланиш олиб борган оғир, машаққатли замон шарт-шароитларидан ҳам излаб кўрилса, ҳарқалай, адолатли иш бўларди. Мана, бугун китобларда ҳазрат Навоийнинг "Самарқандга сургуни", "Астрободга сургуни" деган гаплар нотўғри эканини очиқ ёзиляпти. Нега шу нотўғри гапларга йўл қўйилган? Устозларимиз Навоий ижоди, таржимаи ҳолига синфий нуқтаи назардан ёндашиб бўлса-да, бу буюк меросни халққа қайтаришни ўйлаган, чорасини қилган. Уларнинг бу хизматлари бугунги навоийшуносларга мавзуга янада теранроқ қараш, узоқни кўриш учун пойдевор вазифасини ўтаётганини ҳам унутмайлик.

**Дилором ШАРИПОВА,**
**нафақадаги ўқитувчи**

Навоий шаҳри

# АТИРГУЛ ШАЙДОСИ

Ваъда

Бугун катта адабиёт бўсағасида турган иқтидорли ёшларни омадли авлод, десак янглишмаймиз. Кўриб, кузатиб турганимиз — машқида йилт этган учқуни бор қаламкаш тез орада эътиборга тушиши учун имкониятлар бисёр. Вилоятларда, пойтахтимизда уларнинг илк китоблари нашр қилинаётир, маҳоратларини ошириш мақсадида ижодий анжуманлар, учрашувлар ўтказилаётир. Бундай эзгу ишларнинг самаралари ҳам ўзини кўп куттираётгани йўқ. Бошловчи ижодкорлар орасидан адабий жамоатчилик назарига тушаётган, манзур шеър ва ҳикоялари билан устозлардан олқиш олаётганлари ҳам талайгина. Ёш истеъдодли шоира Мақсадхон Ҳакимова ҳам ана шулар сирасидан.

"Тамаддун" нашриётида чоп этилган "Алвон чечаклар" тўплами Мақсадхоннинг ижод майдонига ташлаган илк журъатли одими, десак ўринли бўлади. Китобга адабиётшунос Шомирза Турдимов муҳаррирлик қилгани, шоир Юсуф Худойқул самимий тилаклар билдириб сўзбоши ёзгани ҳам диққатга молик.

Одатда, адабиёт бўсағасида турган ёш қаламкашларнинг интилишларида кўпинча муайян мавзуларга бағишлаб ёзилган машқларга дуч келамиз. Дейлик, она, Ватан, Наврўз айёми каби мавзулар бундай шеърларнинг мазмунини белгилайди. Мавзунинг бадиий талқинлари аксарият ҳолларда эътироф ва шарафлашдан иборат бўлиб қолади. Албатта, уларда банойидек топилдиқлар: образли иборалар, тимсоллар ҳам унда-бунда кўзга ташланади ва ёш ижодкорнинг иқтидоридан далолат бериб туради. Аммо булар ҳали машқ даражасида экани аниқ сезилади. Мен Мақсадхоннинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Талабалар дунёси" журналида босилган айрим шеърларида шундай ҳолни кузатгандим. "Алвон чечаклар" китобига жамланган янги шеърлари эса унинг ижодий имкониятлари кенглигидан далолат бериб турибди. Келинг, ёш шоиранинг ўқувчисига берган "тавсия"сига эътибор қилайлик:

**Қўлингизга тушса ногоҳ ушбу шеърлар,**
**Авайлангиз, улар шеърмас, кўнгил зори.**
**Атиргулга мендек шайдо бўлсангиз гар,**
**Варақлардан топажаксиз гул иформн.**

Ушбу мисралар охиридаги "шеърлар" — "гар"ни анъанавий қофия, деб ҳисобласак, "зори" — "иформн"ни ижодкорнинг топилдиғи, дейиш мумкин. Ёки у баҳорга "кўнгил малҳами", дея поэтик таъриф берса, "Кўздан сизиб чиққан қалбдаги азоб", дея кўнгилда кечган аламли туйғуни образли ифодалайди.

Ўз қалбининг таржимони бўла олиш, туйғуларини ўхшатишлар, истиоралар, тимсоллар воситасида суратлантира билишдек бадиий сўз сеҳрига ошноликни "Алвон чечаклар" тўпламидаги аксарият шеърларда кузатамиз.



Мақсадхонинг мумтоз адабиётимиз намуналарига, хусусан, мухаммас, туюқ жанрларига ҳавас қилиб ёзган машқлари ҳам унинг уқувидан, имконидан дарак бериб турибди. Нодира, Ҳамид Олимжон ғазалларига мухаммаслари, туюқлардаги жозиб топилмалар кўзни қувонтирса-да, ёш шоира ҳали бу мураккаб санъатнинг сиру асрорларини пишиқ-пухта эгаллаш йўлида анчагина изланиш лозим кўринади.

Ёш шоира иқтидорининг яна бир қирраси илк тўпламига кирган бадиий таржималарида ҳам намоён бўлган. Мақсадхон Жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факултетида таҳсил олган. Унинг инглиз мумтоз шеърияти намояндалари Р.Бёрнс, Байрон ва Стевенсон ижодидан қилган таржималари шеърий матнни ҳис этиб, шакл ва мазмунга тушуниб ёндашганини кўрсатиб турибди. Чунончи, Байроннинг "Кўз ёш" шеъри таржимасидаги ушбу мисралар фикримизни қувватлайди, деб ўйлаймиз:

**Сузиб борар бир инсон,**
**Забтига олар бўрон.**
**Бечора жони уммон**
**Тўлқинларида талош.**
**Эгилиб борар қадди,**
**Балки сув бўлар қабри,**
**Кўм-кўк жилваларида**
**Товланар балки кўз ёш.**

Албатта, тил билишнинг ўзи бадиий таржимада ютуққа эришишни кафолатламайди. Айрим таржималарида ёш мутаржим аслиятнинг таъсиридан чиқиб кетолмаган. Масалан, Р.Бёрнснинг бир шеъри таржимасида ҳали қиёмига етмаган, мутаносиб таржимага айланмаган сатрларни кузатамиз: "Мезонда янгитдан бўй чўзган ўшал Алвон атиргулга монанд севгилим". Назаримизда, "янгитдан", "ўшал", "монанд" сўзлари мисралар қатига сингишмай, оҳангга уйғунлашмай қолган.

Шунингдек, тўпламда ёш шоиранинг ўзини ўзи такрорлаган шеърлари, мисралари ҳам учрайди. Буни айрим "эгизак" шеърларнинг номи ҳам кўрсатиб турибди: "Кел, баҳорга алла айтамиз", "Биз баҳорга алла айтмадик"; "Аразлама", "Аразлаб қолдим"; "Атиргулга", "Атиргул", "Атиргулим".

Албатта, илк тўпламда ютуқлар қатори камчиликлар ҳам учраши ёш ижодкорнинг ҳали бадиий сўз сеҳрини эгаллаш борасида кўп изланиши лозимлигини тақозо қилади. Мақсадхоннинг шеърларидаги кўнгилга қадрдон туйғуларнинг оҳорли талқинлари унинг илк тўплами тасодиф ёки ҳавасдан юзага келмаганини, атиргулга шайдолиги шеърият сеҳру жозибасига дили боғланганини аён кўрсатиб турибди.

**Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ,**
**филология фанлари доктори**

Икром ОТАМУРОД

# КЕНГАЙИБ КЕТАДИ ДАШТЛАРДА БАҒРИМ



* * *

Ўзбек тилим — ўз тилим,
Қадру ғурур — сўз тилим.
Ўзлигим борлиғини
Туғ этган — кўз-кўз тилим.

Ўзбек тилим — ҳур тилим,
Тафти оташ — нур тилим.
Навоийнинг зиёси —
Кангулмда шуур тилим.

Ўзбек тилим — тан тилим,
Жонимдаги ман тилим.
Қадим аждодлар руҳин —
Айлаган Ватан тилим.

Ўзбек тилим — ўз тилим.

* * *

Кангулм,
биргина сени деб яшадим,
яшадинг сен ҳам биргина мени деб.
Вақт ҳолимга не-не ғамлар тўшади,
кангулм,
ғамларим сидирдинг ғамим еб.

Кангулм,
руҳимни руҳингга бойладим,
мадад бўлдинг бирдай руҳ бериб менга.
Боринг фақат менга фидо айладинг,
борим фақат фидо айладим сенга.

Кангулм,
ютдик армон зорини бирга,
не умид насибдур бирга етамиз.
Бир кун келиб:
қай манзилга,
қаерга
кетсак,
ҳақ йўлидан бирга кетамиз.

Кангулм —
мен.
Мен —
кангулм.

* * *

Дашт —
тўрғайнинг чексиз майдони,
умид манзари тўрғайнинг —
дашт.
Суяниб
дашт елкасига тўрт ёни
уфқлар беминнат суради гашт.

Даштда ўсиб.
Оҳини тўккан
қўзигул иформ пайдар-пай
нойчалатиб,
бастини кўкка
бўйлатади,
кўтариб тўрғай.

Дашт —
тўрғайнинг чексиз майдони...

* * *

Мени йўқлаган онинг,
умидларим ойланди.
Қалбим зиллари, жоним,
анворларга айланди.
Дардим дардига, ногоҳ,
далда берган бир сассан.
Айро ишққа, баногоҳ,
сен-ўзинг муқаддассан.

* * *

Олисларда қолган қўзигул,
хаёлимда ўсасан, энди.
Имкон марғуб топса, ҳар тугул,
борардим, сен томон, қанийди?!

Сен — нафақат, даштнинг сулуви,
менинг-да, кангулмнинг гулисан.
Ўйласам — соғинчим тўлуви,
йўл олсам — манзилим йўлисан.

Қовжиратар жавзо нафаси,
таппот чилвирларин турмаклар.
Ичига чўкади шаббода саси,
ҳаво музтар, сабрин йўрмаклар.

Яшаган бўлсам мен, водариғ,
бир чимдим жисмингда яшардим.
Ифорингни тутмайин дариғ,
кангулмда яшадинг, сен-да, жим.

Олисларда қолган қўзигул,
хаёлимда ўсасан, энди...

* * *

Даштлар тепасида булутлар
яйралиб-яйралиб кезади.
Гўё кўкнинг қобин тутиблар
очу тўқ чизгилар чизади.

Даштлар тепасида булутлар
арщдан узалган тоғлардай
кўз тикар даштларга кулиблар
ўтрукка танобин боғлаб-да.

Даштлар тепасида булутлар
югурар танини қамчилаб.
Бод измида оҳларин зудлаб,
даштларга бор-йўғин томчилар.

Даштлар тепасида булутлар...

## Шукрона

Дунёда ширидан ширин жонимни
Яратганинг учун беадад шукур.
Чаман айлаб ҳаёт гулистонимни
Яйратганинг учун беадад шукур.

Камалак рангидай атроф жилоли,
Кўзим қамаштирар гўзал жамоли,
Севги навосини булбул мисоли
Сайратганинг учун беадад шукур.

Агар киши айтса айтар сўзини,
Бахтиёр сезаркан чиндан ўзини.
Бир лаҳза мен томон оҳу кўзини
Қаратганинг учун беадад шукур.

Ҳар қалай, ичимда қолмади розим,
Бўлди ўз баҳорим, бўлди ўз ёзим,
Жавобсиз кетса ҳам ўтинч овозим
Таратганинг учун беадад шукур.

## Ишқ ва шеър

Қон билан киргандир юрагимга ишқ,
Сут билан киргандир юрагимга шеър.
Шу сабаб ҳаётда яшадим ошиқ —
Осмон қучоқ очди, таянч бўлди ер.

Азал равон эмас турмуш сўқмоғи,
Қалбимни иситди шеърнинг олови.
Йўлимни ёритди ишқнинг маёғи,
Изладим, топилди қорнинг қалови.

Гоҳо бир далда сўз шер этар эрни,
Гоҳо бир ноҳақ сўз ўкситар ёмон.
Соқолим оқарди, бироқ ишқ — шеърни,
Ҳамон юрагимда сақлайман омон.

Аё, ўтинчим шу: менга имкон бер,
Ҳамиша ишқ — шеърга яшай ярашиқ.
Руҳим билан чиқсин юрагимдан шеър,
Жоним билан чиқсин юрагимдан ишқ.

## Соғиндим

Қуёш бўлиб деразангдан бўйладим,
Булбул бўлиб деразангдан куйладим.
Шамол билан ишқ розимни сўйладим,
Ширин-ширин сўзларингни соғиндим.

Измимда йўқ ошиқ Фарҳод кўзгуси,
Қулоғимдан кетмас майин кулгуси.
Бир кўрингин, хаёлларим оҳуси,
Ширин-ширин сўзларингни соғиндим.

Ён кўчангда кездим бедор, беором,
Кута-кута тушди салқин намозшом.

Асрор МЎМИН

# ҚУЁШ БЎЛИБ ДЕРАЗАНГДАН БЎЙЛАДИМ

Вақт ҳам ўтмай чўзилади бу оқшом,
Ширин-ширин сўзларингни соғиндим.

Кўкда ошно юлдузлар ҳам кулмайди,
Дилим дарё каби тиним билмайди.
Эртан сени учратсам бўлмайди,
Ширин-ширин сўзларингни соғиндим.

* * *

Ёдга тушар илҳомбахш маҳал,
Тош устида сайраган булбул.
Нечун тўйиб ўқимай ғазал,
Юрагимда барг ёзди ишқ — гул.

Қозиқ каби тоғлар барқарор,
Бунчалар ҳам гўзалдир ҳаёт.
Йироқларда шовуллар анҳор,
Муштдай қушча тўқийди баёт.

Қучоқ очар чароғон кундуз,
Ўз соянгдан ҳуркмагин, оҳу.
Оқшом кўкда чарақлар юлдуз,
Кўзларимдан қочади уйқу.

Ажиб туйғу маёқдай порла,
Хаёлимни банд айла буткул.
Ширин ишқни куйлашга чорла,
Тош устида сайраган булбул.

## Оналарни асранг

*(Расул Ҳамзатовдан)*

Бу азиз сўз доим янгидай янграр,
Ҳолбуки, ушбу сўз мадҳия эмас.
Бу сўзни айтганда кўнгиллар яйрар
Мисоли мусиқа майин, хуш нафас.

Бу сўз иродамга бўйсунмас асло,
Ажиб наво каби келар тилимга
Гоҳо шодлик бўлиб, гоҳо илтижо
Юлдузларга шошар, сиғмас дилимга.

Ушбу сўз — мўъжиза! Ушбу сўз — қуёш!
Бу сўзга лабимни жуфтлаган дамлар
Ҳамиша таъзимда туринг, замондош,
Тириклар, марҳумлар! Туринг, одамлар!



Ушбу сўз дунёдай қадим ва азиз,
Жаранги ёқимли, қудрати азим.
Бу сўзни айтингиз таъзимда ҳаргиз,
Турингиз! Ростланинг! Айлангиз таъзим!

У билан уйғонар минг йиллик чинор,
Уйғонар дарахтлар, ёзар япроқлар.
Уйғонар гулзорлар, бўлар чаманзор,
Уйғонар кўк билан бўйлашган тоғлар.

Гўёки қуёшни соғинган ўрмон,
Майсалар у томон интилар, ҳайҳот.
Туринглар, бу сўзни эшитган ҳамон,
Негаки, бу сўзда мужассам ҳаёт.

Бу сўзда мужассам дуо ва даъват,
Дунёнинг ишлари, қувонч-қайғуси.
Одамзот англаган биринчи ҳикмат,
Мурғак гўдакларнинг ширин кулгуси.

Ушбу сўз оламда янграши керак,
Негаки, ушбу сўз айтилган замон
Сеҳрдан эрийди ҳатто тош юрак,
Боладай беғубор бўлади инсон.

Бу шундайин сўзки, бетимсол қудрат,
Замину замонлар унга парвона.
Азалда янграган, янграгай абад,
Турингиз, тинглангиз! Ушбу сўз — ОНА!

Юзма-юз

# ШОИР ЎЗ ТИЛИДА КУЙЛАШИ КЕРАК

**Маълумки, газетамизнинг "Юзма-юз" рукни остида ижодкорлар, адабиётшунос олимлар, санъат фидойилари билан ижодий мулоқотлар, дилдан суҳбатлар бериб борилади. Ҳаёт ва ижод уйғунлиги, сўз масъулияти, адабий жараёнга муносабат ҳамда ижодкорнинг жамият олдидаги бурчи каби мавзулар ёритиладиган ушбу рукнимизда бугун таниқли шоир Эшқобил ШУКУР билан суҳбат ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда.**



**— Эшқобил ака, ижодкорнинг шаклланишида халқ меросининг аҳамияти қай даражада, умуман истеъдоднинг вояга етишида ташқи омилларнинг таъсирини қандай деб ҳисоблайсиз? Сизнинг ижод йўлингизда ниманинг ўрни муҳим?**

— Шу ўринда диққатингизни ҳамма ишлатадиган, лекин ҳамма ҳам эътибор қилавермайдиган, кичкина бир образга қаратмоқчиман. Она еримизнинг табиий йўлдошини қадим-қадимдан "Ой" деб аташган. Лекин қайси бир замонларда ойни кимдир биринчи бўлиб "оймомо" деб айтган. Ҳамма гап шунда! Қандай яхши образ бу! Шу образ сабаб одамлар ойни тирик бир тимсолда кўрадиган бўлганлар ва асрлар мобайнида унга сирларини айтиб келганлар. Ҳатто тили чиқаётган гўдаклар кўп сўзлардан олдин "оймомо"ни айтиб ўрганадилар. Бу образнинг неча минг йиллик йўлни юриб келаётганини тасаввур қилиб кўринг. Қарангки, шунда ҳам у қариб қолмаган. Халқимизнинг оғзаки ижодиётида бундай рамзлар ва тимсоллар оз дейсизми? Улар жуда кўп. Ўсиб келаётган боланинг тафаккури шундай образларни ўзига сингдирса, албатта у оламга ижодий кўз билан қарайди. Достонларимизга бир қаранг. Жаҳонда бармоқ билан санарли халқларнигина "Алпомиш"дай достони бўлиши мумкин. Ёхуд бахшиларимиз ёниб куйлаган "Гўрўғли" достонини олинг. Бу достоннинг шакли, сюжети, рамз ва тимсоллари, бадиий қудрати ҳозирги замон жаҳон адабиётининг энг илғор асарларига манба бўла олади. Мен дўстим Назар Эшонқулга, сиз Гўрўғли ҳақида янги талқинда роман ёзсангиз бўларди, деб кўпдан буён айтиб юрар эдим. Ниҳоят у бу ишга қўл урди.

Нобель мукофоти лауреати Мигель Анхель Астуриаснинг бир гапи бор: "Назаримда энг яхши романлар ёзилган эмас, айтилган". Бу ўринда адиб, Америка кечмишида афсоналар ва ривоятларни қўшиқ ва достон шаклида айтиб юрган биздаги бахшиларга ўхшаш одамларни назарда тутган. Модомики, мутолаа асосан ўқиш эмас, уқиш экан, унда мен мутолаа қилганим — илк бадиий асарларни ўқиган эмас, балки тинглаганман. Қишнинг совуқ ва узун кечаларида сандал атрофида ўтириб тинглаган эртакларимиз ва афсоналаримиз ҳануз юрагимда садо беради. Мавлоно Румий ифодаси билан айтганда, мен бу асарларни "ёдлаган эмасман, балки еганман". Таассуротим ҳақида гапирсам, ўша эртак ва афсоналарни эртак ва афсона деб эмас, аксинча ҳаётнинг ўзи деб тасаввур қилганман. Мен бу асарларнинг қаҳрамонлари билан бирга яшаганман.

Ҳозиргача одамзот омочдан космик кемагача бўлган масофани босиб ўтди. Барибир, бугунги космик кемаларнинг кашф этилишида учар гиламлару Дедал ва Икарнинг ҳам ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳам эртак ва афсоналарга ўтмиш хаёллари деб қарамаслик керак. Модомики, улар фақат ўтмишнинг ўзи бўлиб қолганида ёки шунчаки чўпчак бўлганида бугунги болаларга эртак айтиб бериб ўтиришга, ҳатто оналарнинг алла айтиб ўтиришларига ҳожат қолмасди. Булар одам қалби билан боғлиқ ҳодисалар.

Мен болалигимдан момолару боболарнинг гурунгини яхши кўрганман. Эҳтимол, доимо бобомга эргашиб юрганим учун шундай бўлгандир. Ҳозир ҳам қишлоқларга борганимда, кўпроқ кексалар билан гурунглашаман.

Яқинда, юртга борганимда ҳам Қизларшо момо, Жамол момо, Ўнгол момо, Шайман боболар билан кўп гурунглашдим. Уларнинг энг ёши саксондан ошган. Улар менга ёшлик йилларида кўрган-билганларини, эшитганларинини айтиб беради. Уларнинг тилида сўз бошқача ҳаракат қилади.

Масалан, Ўнгол момо ҳикоясини бундай бошлайди: "Кунсулув эридан қорахат олганида, **"Сен ернинг остида чирисанг, мен ернинг устида чирийман!"** деб қасам кўтарди".

Ёки Жамол момо ғамгин бир қўшиқни айтиб беради:

**Чиқиб эдим шамолга,**
**Кириб эдим амалга,**
**Қайтариб солди қамалга.**
**Ҳолим кўп, ҳолдошим йўқ,**
**Дардим кўп, дарддошим йўқ.**

Сатрлардаги сиқиқлик маъно ва образни, матн "кайфияти"ни ташийди, пайдо бўлган таранглик эса поэтик оҳангдорликни ошириб юборади. Ваҳоланки, буни айтаётган момонинг оддийгина саводи ҳам йўқ.

Бир куни онамга ўзим ёзган бир ҳикоятни ўқиб бера бошладим: **"Абдимурод ёлғиз йигит эди..."** Онам мени биринчи жумладаёқ тўхтатди. Чунки унинг ҳикоятга асос бўлган воқеадан хабари бор эди. Кейин онам менинг биринчи жумламни шундай таҳрир қилди: **"Ёлғиз йигит эди" деб ёзма, "Унинг ўзидан бошқа қораси йўқ эди" деб ёз".** Кўряпсизми, бу жумлада қанча бадиий ранг бор, образ бор ва тирик тилнинг тафтли нафаси бор.

**— Ҳозир кексалар ҳақида гапирдингиз. Суҳбатларингизда болалар ҳақида ҳам тез-тез тўхталасиз. Назаримда, сиз тимсоллар ва рамзларни кўпроқ болалар ва кексалардан излайсиз. Нега шундай?**

— Уларнинг иккисида ҳам ҳикмат кўраман. Бирида яшалиши керак бўлган ҳикмат, иккинчисида яшаб ўтилган ҳикмат ("яшаб ўтилган" дегани умри тугаган дегани эмас). Хуллас, икки ҳолда ҳам адабиёт бор.

Бола билан самимий суҳбат катталарнинг ҳам табиатини тозалашга ёрдам беради. Кичкина ўғлим беш ёшида расм чизишга қизиқиб қолди. У қандай сурат чизмасин, албатта унда қуёш бўларди ва ҳар бир расмдаги қуёш кулиб турарди. Бирон-бир суратда қуёшнинг хўмрайгани ёки жиддий турган ҳолати йўқ эди. Мен ундан сўрадим: "Нима учун ҳамма чизган расмларингда қуёш кулиб туради?" У "Қуёш ўзи ҳар доим кулиб туради-да", деб кулиб жавоб берди. Мен унинг кулгисида чизган расмларидаги қуёшнинг кулгисини кўргандай бўлдим. Эҳтимол, ростдан шундайдир. Биз катталар қуёшнинг кулиб турганини балки кўрмасмиз, кўрмаётгандирмиз. Бола учун эса қуёш кулаяпти. Бу унинг ҳақиқати. Йўқса, расмлар бундай чизилмас эди.

**— Айрим қаламкашлар бутун ижоди давомида фақат бир йўналишда ижод қилиб ўтадилар. Баъзи истеъдод эгалари эса маълум бир вақтга, вақти-вояга етганларида бошқа жанрларга ҳам мурожаат қилишади. Кейинги ҳолатни сизда ҳам кузатиш мумкин. Айтингчи, сиз учун қайси бири яқинроқ: назмми ёки наср?**

— Қўлингиздан келса, ҳамма нарсадан поэзия изланг. Ҳаёт шуниси билан қизиқ. Яшашни бир неъмат десак шеърият унинг тузидир. Ёш болаларни қаранг, уларнинг ҳаммаси поэзия билан яшайди. Ҳайратланади. Агар ҳаётнинг поэзияси бўлмаса, бешикдаги бола ҳам зерикиб қоларди. Одам қалбини ҳайрат ва муҳаббат улғайтиради. Шунинг учун ҳар қандай насрий асарнинг ҳам замирида назм ётади. Назмсиз наср бир ўлик нарса. Ҳамма яхши насрий асарларга қаранг, уларнинг ҳар бири битта асл шеър тасвирлаши мумкин бўлган туйғуни ифодалайди. Шунинг учун Шукур ака Тагорнинг "Роман тўрт сатр шеър бўлиши керак" деган гапини кўп такрорларди. Шоир билан ёзувчининг фарқи битта: бири саҳифани тўлдириб, иккинчиси эса икки ёндан ҳошия ташлаб ёзади.

**— Эшқобил ака, сизни қадим туркий тилнинг катта мухлиси, тадқиқотчиси сифатида ҳам биламиз. Сўз, сўзларнинг ўзаги ва турли тиллардаги шаклларига бағишланган ўзига хос тадқиқотларингиз, айниқса, «ЎзАС»даги чиқишларингиз кўпчиликда қизиқиш уйғотган. Ҳақиқий шеърнинг дунёга келишида яна қайси омилларнинг ўрни беқиёс?**

— Қадим тилимизнинг тадқиқотчиси деб юқори баҳо бераяпсиз. Мен ўзимни бу тилнинг бир ўғли сифатида кўраман. Ундан қарздорлигимни ич-ичимдан ҳис этаман. Бу шунчаки гап эмас. Аввалги чиқишларимдан бирида ҳам айтгандим: "Она тили" дегандан кўра, "Она Тил" дейиш маъқулроқ, гўё Она-Ватан, Она-Юрт дегандай. Бу бизни янада бурчлироқ бўлишга ундайди. Бу тилда куйланган, битилган шоҳ асарлар, инсониятга муаллимлик қилган улуғ ғоялар бу тилни аллақачон жонли, тирик бир обидага айлантириб қўйган. Чамаси бундан йигирма йиллар олдин "Сўзни кўраяпман" деган мақола ёзгандим. Бу мақола ҳам шу газетада босилган. Очиғи, мен сўзни ҳис қилишдан, унинг моҳиятини илғашдан ўрнини ҳеч нима босолмайдиган бир завқ туяман. Сўзларнинг пайдо бўлиши, илдизлари ҳақидаги уринишларим эса бир шоирнинг ўз тилини чин маънода англаши учун бўлган ҳаракатлардир. Мен бу жараёнда олимлик даъво қилолмайман. Сўз таҳлилига бошқача ракурсда, шеър ёзаётгандай ёндашишни истайман. Ишонинг, ўзбек тилидаги бирон-бир сўзнинг менга номаълум бўлган бирон-бир жиҳатини топиб олсам, ўзимнинг ўзимга номаълум бўлган сиримни кашф этгандай бир ҳолга тушаман. "Чайла" билан "яйлов"нинг битта сўз эканлигини билганимда, йўқотган ўйинчоғини топган болакайдай бир неча кун яйраб юрганман. Бир қанча сўзлар устида ишлаган дафтаримнинг биринчи бетига: "Меҳр ва муҳаббат билан, азизим, меҳрибоним, суюклим Она Тилимга бағишлайман" деб ёзиб қўйибман. Айтмоқчиманки, яхшими, ёмонми, хатолими хатосизми бу ишларим ўз тилимга меҳримнинг меваларидир. Мен туркий тилларга оид луғатларни энг қизиқ қиссалардан ҳам қизиқиброқ ўқийман. Чунки, ҳар бир сўз менга бир сирни шивирлаётгандай бўлади. Кошғарий "Девон"и, айтиш мумкин бўлса, ёстиғим тагида турадиган асардир.

Асл шеърнинг дунёга келиши ҳақиқий, илдизидан япроғигача муайян тилга тегишли сўзларнинг иштироки билан ҳам белгиланмоғи керак. Негаки, шоирнинг ўз тилида куйлаши шу тил ривожига, келажагига беқиёс хизмат қилади. Бу ўринда бобомиз Алишер Навоийнинг ижод йўли катта сабоқдир. Албатта, чин илҳомнинг, катта поэтик ҳолатнинг, кайфиятнинг ўз ўрни бор.

**— Шеъриятда, умуман адабиётда мезон деб ҳисоблайдиган, ўзингиз амал қилишга интиладиган табаррук тамойил нимадан иборат? Шундай мезон бормикан асли?**

— Тупроқнинг энг катта ҳикмати шундаки, унда ҳар қандай уруғ унади, ўсади, камол топади. Адабиёт ҳам шунга ўхшайди. Унда ҳам энг гўзал фикрлар ва туйғуларнинг униб-ўсишини кўрасиз. Ўтган асрдаги материалистларнинг энг катта хатоси улар инсондан ҳайвонни изладилар. Бу бор гап. Ҳақиқий адабиёт эса махлуқдан малакни излайди. Ҳатто ичи зулмат одамнинг тийнатидан ҳам нур топади ёхуд унга нур олиб киради. Румий, Навоий, Гёте, Толстой... Бу зотларнинг ҳаммаси шу мақсадда адабиёт яратганлар. Инсонни инсондай кўришни истаганлар. Мен бундан бошқа мезонни билмайман.

**— Бугунги кун дунё адабиётида глобаллашув жараёнининг таъсирини қандай баҳолайсиз? Ижтимоий воқеликлар, замон ва макондаги жараёнларга ижодкор қалби берадиган акс-садо қандай бўлмоғи керак ва бу ҳолатлар адабиёт учун қанчалик хизмат қилади? Бундай эврилишларда ҳаёт ҳақиқатининг маъноси ўзгарадими?**

— Адабиётнинг энг улуғ ҳодиса эканлиги ҳам шундаки, у инсон қалби билан ишлайди. Ҳазрат Навоийни мутолаа қила туриб, бир нарсага амин бўлдим, адабиёт азалда қалб ҳимояси учун, инсон қалбини муҳофаза қилиш учун яралган. Шеър одамларни ўз қалбига қарашга ўргатади. Япон шоири Дзюн Такамининг шундай бир шеъри бор:

**Ҳамма тоғни истар**
**Тоққа!**
**Ҳамма юксак чўққига чиқмоқни истар.**
**Ва лекин ҳеч ким водийга тушиб**
**Боққиси келмайди ўз юрагига.**

Демак, шоир инсон қалби билан ишлар экан, аввало у ўз қалбини мунтазам тозалаб бориши керак. Туйғуларни парвариш қилиш ҳам осон иш эмас.

Умумлашув ва глобаллашув даври қалбни қотириб ташлайди, бундай пайтда албатта адабиёт олдинга чиқиши керак. Кейинги йилларда шу жараён маҳсули бўлган аллақандай "ужас" китоблару аллақандай "олди-қочди" "асар"ларнинг бир варағини ҳам ўқишга тоқат қилолмайман. Булар адабиёт эмас, балки адаби ётлардир! Улар маънавият дарахтига тушган қуртлардир. Бу жуда катта, алоҳида мавзу.

Назаримда, ижодкорга бешикдаги чақалоқнинг атрофига қарашидан тортиб энг катта воқеликларгача таъсир кўрсатиши керак. Кўп ҳолларда шундай бўлади ҳам. У ҳамма нарсани қалбидан ўтказади. "Агар ер шарига кетар бўлса дарз, Шоир юрагидан ўтар чизиғи" деган Блок. Шунинг учун ҳам ижодкор ҳар бир нарсани ҳис этиши шарт, унинг овози виждон овози бўлиши керак.

Англашимча, биз одамлар излаган ҳақиқат ўйлаганимиздай мураккаб ва англаб бўлмайдиган нарса эмас экан. Унга етишиш учун ҳам Анқонинг уруғи дардида Кўҳи Қофни излаб юриш шарт эмасдай. У жуда оддий. Ҳар ҳолда, одамдан кўра оддий. Сезишимча, ҳақиқатнинг формуласи қўшиш ва айиришдан ҳам содда. Бу қуйидагича: ҳеч қачон ёмон ният қилма, тўғри ниятнинг ўзи ҳақиқатдир. Назаримда худо ҳам ҳаётнинг ўзида шундай формулани ҳаракатга келтириб қўйгандай, яъни, нияти бузилганнинг ҳаёти бузилади.

**— Миллий адабиётимизнинг бугунги куни, келажаги ҳақида фикрингиз қандай?**

— Шундай қадриятларимиз борки, улар билан юзма-юз келганингда, юрагинг зирқираб кетади. Миллатимизнинг шундай ёрқин хусусиятлари борки, уларни бугунги глобализация тўфонларидан асраб қолиш ва миллат болалари руҳига сингдириш адабиётимизнинг бугунги вазифасидир.

Бизда миллий тарбиянинг замини жуда пишиқ. Бу халқнинг катта достонларидан тортиб, энг кичик матал ва топишмоқларигача қалб тарбияси, фикр тарбияси, керак бўлса, тан тарбиясигача ўзида акс эттирган. Шуларни қайта ижодий ишлашимиз керак. Бундай асос ва манбани ҳамма халқларда ҳам бу даражада мукаммал, деб бўлмайди. Биргина ҳазрат Навоийни халққа яқинлаштириш деган иборанинг мазмунини англаб, ижод қилишнинг ўзиёқ нақадар катта вазифадир.

Дунё адабиётидаги умумлашув, глобаллашув кўп қалтис жараён. Шунинг учун ёш ижодкорларимиз эҳтиёт бўлишлари керак. Навоийлар, Қодирийлар яратган боққа билиб-билмай ҳар хил чирмовуқлару заҳарли замбуруғларни олиб кирмасинлар.

Президентимиз таъкидлаганларидай: "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор". Демак, келажагимиз ва маънавиятимиз тақдири адабиётимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

**— Бироз мавзудан ташқари бўлса-да, бир савол берсам: бутун тирикликда сиз учун энг азиз нарса нима?**

— Баъзан оқшомлар ўй суриб қолганимда, кўнглимнинг туб-тубида қандайдир азиз туйғулар яшаётганини, бу туйғулар бутун ҳаётим ва кечмишларим билан жуда боғлиқ эканлигини ҳис этаман. Улар бобомдан қолганми, момомдан меросми, нима бўлганда ҳам менинг ботинимда яшаяптилар. Бу туйғулар шу тупроқ, шу осмон, шу эл билан боғланиб кетганини сезаман. Улар менга жуда азиз... жудаям азиз! Тангрига шукурлар бўлсинки, улар менинг қалбимда бор!

**Тошпўлат ХОЛИҚОВ**
**суҳбатлашди**

**Бир кўнгил минглаб кишилар орасидан иккинчи бир кўнгилни топиши осон эмас... Диллар туташди ҳам дейлик, бу муҳаббатни суронли йилларнинг минг бир чиғириғидан опичлаб ўтиш-чи..? Муҳаббат, вафодорлик, оила муқаддаслиги ҳақидаги орзуларимизни ўз ҳаёти мисолида исботлаб келаётган бахтли инсонлар кўп. Хусусан, бири олис гуллар шаҳридан, иккинчиси Хоразм диёридан келиб, бир жойда муқим яшаётган санъаткорлар оиласи. Ҳар ҳолда санъат дунёси бундай жуфтликни кам кўрган. Улар ёнимизда, атрофимизда... Дилкаш ва самимий суҳбатдошларимиз Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёрлари — Ўзбекистон халқ артисти Меҳри Бекжонова ва Республикада хизмат кўрсатган артист Александр Бекжонов.**



# КЎНГИЛ САНДИҒИДАГИ ИЛОҲИЙ ТУЙҒУ

**Оила — эл-юрт таянчи**

**Александр БЕКЖОНОВ:** — Илк танишувимиз ажойиб бўлган. Ҳали талаба эдик. Қайсидир спектаклни репетиция қиляпмиз. Мен куёв образида турибман-у, ҳеч келин топилмайди, денг. Бир маҳал эшик очилиб Меҳрихон кириб келди. Ўшанда курсдошларимиз қўярда-қўймай уни ёнимга ўтқазиб қўйишганди.

**Меҳри БЕКЖОНОВА**: — Ҳа, тақдир дегани шу бўлса керак, бир дугонамни излаб, хона эшигини очсам, у ерда одам гавжум, юқори курс талабалари тўй саҳнасини машқ қилишаётган экан. Келинг-келинг, дейишиб қўлимдан тортқилаб ичкарига олиб киришди. Бир тасодиф туфайли келин-куёв ролини ўйнаб, мана, ҳаётда ҳам, санъатда ҳам келин-куёв бўлиб, турмуш аравасини бирга тортиб келяпмиз.

**А.Б:** — Ўша воқеаларга ҳам ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Оила мустаҳкамлиги икки инсоннинг бир-бирини тушуниши ва қадрлашига боғлиқ экан. Яна масъулият тушунчаси ҳам бор. Биз доим бир-биримизни ҳурмат қилдик, меҳримизни аямадик. Муҳими, Меҳри доим ёнимда эканлигини ҳис этиб турардим. Санъатдан кечиб, оилани ёки оиладан кечиб санъатни танлаган ёшларни кўп учратамиз. Эҳтимол, бизга ҳам ёшлигимизда бундай тушунчалар бегона бўлмагандир. Ҳаммасига сабр қилиш энг тўғри йўл экан. Ёшларга айтмоқчи бўлган сўзим шуки, иккисини ҳам тенг олиб бориш кераклигини вақтида англаб олсангиз, ўртада келишмовчиликлар бўлмайди.

**М.Б:** — Бахтимиз кулиб боққани шуки, иккаламиз ҳам битта соҳанинг одамларимиз. Бу эса кўпроқ бир мавзуда, яъни санъат янгиликлари ҳақида суҳбатлашиш имконини беради. Саша акам доимо айтарди: "Меҳри, ҳар куни мени қойил қолдирадиган битта янги фикр, янги сўз топиб айт" деб. Шунда тушундимки, ўртамиздаги муҳаббатни асраш кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ экан. Доимо уни қизиқтирадиган, ҳайратга соладиган мавзулар топишга ҳаракат қилардим. "Мушкул савдо" моноспектакли (Машраб Бобоев пиесаси)да бошдан-охир иккита актёр қатнашади. Мен унда қаттиққўл бошлиқ аёл Ойхон, Саша акам мўмин эркак Остона образини ижро этганмиз. Қаҳрамонларимиз кўпинча жанжаллашиб юришса ҳам, спектакл томошабинга ибрат бўларли бир хулоса билан тугайди. Яъни оиланинг тинч-тотувлиги, икки инсоннинг бахти-саодати бири-бирини тушунишида, қалбан англашида кўринар экан. Қизимиз Дилдора жуда ёш эди, репетиция жараёнларида анча қийналганмиз, уни ҳам театрга олиб келардик-да навбатма-навбат қизимизга қараб, йиғласа овутиб турардик. Мана шундай ҳамжиҳатлик оилада жудаям керак.

**А.Б:** — Меҳрихон театрга мендан уч йил олдин келган. Мен ҳали оддийгина талаба бўлган пайтларимда, у номдор актриса эди. Меҳрихонда ижро маҳоратидан ташқари бетакрор овоз ҳам бор. Бизнинг театримизда аксарият ҳолда овоз асқотади. "Тоҳир ва Зуҳра"да Зуҳра, "Гул ва Наврўз"да Гул, "Лайли ва Мажнун"ла Лайли, "Фарҳод ва Ширин"-да Ширин ва бошқа образларни яратди. Умр ўтяпти. Ҳар ҳолда ортга қараганда, кўнгилга таскин берадиган образлари бор унинг.

**М.Б:** — Саша акамнинг ижро имконияти кўп. Ҳа, дарвоқе, ўқувчига қизиқ бўлгани учун айтиб ўтай, оналари рус аёли бўлгани учун исмларини шундай қўйишган. У театрда комик образларни ҳам, драматик образларни ҳам қойилмақом қилиб ижро этади. Менга ҳамма роллари ёқади. Айниқса, "Муҳаббат навоси", "Гаровдаги муҳаббат", "Сойибхўжа операцияси", "Мушкул савдо", "Топталган туйғу", "Муҳаббатим — қисматим" каби спектаклардаги ижролари актёр сифатида янги қирраларини намоён этди. Ҳатто баъзи жойларида сал ошириб юборсаям, барибир ўзларига ярашаверади. Баъзида ўзим ҳам ҳайрат ила кузатаман: "Вой, шу жойини қандай ўйнади экан-а?", деб. Мабодо, бошқа актриса бирга рол ижро этса ҳам хаёли доим менда бўлишини ҳис қилиб тураман-да (кулади). Бунинг устига яхшигина овози бор. Ўн йил талабаларга вокалдан дарс берган. Баъзи давраларда қўшиқ айтиб қолса, атрофдагилар ҳайрон қолишади. "Шундай овозингиз бор экан-у, билмай юрган эканмиз" деб. Фақат битта камчилиги бор, ўз устида кам ишлайди. Баъзида танбеҳ бериб тураман.

**А.Б:** — Раҳмат, "устоз", мақтовлару танқидларингиз учун (куладилар).

**М.Б:** — Ортимга қарасам барча ролларимдан кўнглим тўлади. Бутун умрим шу театрда ўтяпти. Она образларида чиқаётганимга анча бўлди. Баъзи актёрларнинг "Бир умр ўз ролимни тополмай ўтяпман, режиссёрлар менинг имкониятимдан етарлича фойдалана олишмаяпти", деган ўкинчи менга ёт. Озми-кўпми қўлдан келганча рол ўйнадим, ўйнаяпман. Ҳатто шу саҳна деворларида ҳам юрагимнинг бир парчаси ўрнашиб қолгандек. Менга доим хокисор, маъсум образлар таклиф қилишарди. Баъзида "Қани энди, бир яхши комедия бўлсаю унда очилмаган бошқа имкониятларимни ҳам юзага чиқарсам" дейман... Фақат "яхшинисо", "яхшибону" бўлиб юравериш эмас, шароитга қараб ҳар хил турдаги образларни яратгим келади. Ҳа, айтганча, "Нозик шоҳ" пиесасида ўзига бино қўйган, шартаки аёл образи бор. У барчани ерга ураверадиган, ҳаммага қўлини бигиз қилиб кўрсатадиган тоифа. Бошида салбий образни яратиш анча қийин кечди. Режиссёр Мирза Азизов келиб, "Ҳа, қани, бошланг, ғажиб ташланг", деб ичимдаги шайтонимни қўзғатарди. Обдон ролга олиб киргач, энди қадамингизни ҳам шунга мослаштиринг, деди. Айтмоқчиманки, агар саҳнада қалб ва вужуд уйғунлашса, актёр кечинмалари унинг кўзида акс этади. Бу ҳолат актёрнинг актёр сифатидаги маҳоратини очиб беради.

**А.Б:** — Актёрга кўпинча кенг дунёқараш ёрдам беради. У бугун математикни ўйнаса математикани, тарихий қаҳрамонни яратса тарихни билиши керак. Агар Ватанни ўз тушунчанг билан севмас экансан, "Мен ватанни севаман" деб бақирганинг даъват эмас, шунчаки хитобга айланади. Адашмасам, Гётеда шундай фикр бор, одам ўзини атрофдагиларга бадавлат қилиб кўрсатиши мумкин, ҳатто бошқалар олдида ўзини ақлли тутиши ҳам мумкин. Аммо ҳеч қачон ўзини зиёли қилиб кўрсатолмайди. Ҳақ гап. Актёр зиёли бўлмаса, саҳнага икки қадам ташласа бас, унинг кимлиги фош бўладиқўяди. Станиславский айтганидек, ҳар вақт актёрнинг "мен"и бўртиб чиқиб туради. Майли, бу образни мендан аввал ҳам қанча актёрлар ўйнаган бўлсин, мендан кейин ҳам... Лекин санъаткор сифатида ўзим қандай ёндашдим. Кўрган бўлсангиз, охирги ролларимдан бири "Гаровдаги муҳаббат"-да ўта мураккаб образни ижро этгандим, аммо мен қандай ўйнадиму, дублёрим қандай ижро этди. Саҳнада "Тоҳир ва Зуҳра" спектакли қўйилаётган бўлса, бу асар мазмунини ҳамма ёддан билади, тўғрими? Аммо қайси актёр қандай ёндашади, томошабинга ана шу қизиқ. Йўл битта, бироқ бу йўлдан қандай юриш муҳим. Актёрнинг ўз "шира"си бўлади. Ҳамма гап ана шунда.

**М.Б:** — Тошкентга келганимда содда қишлоқ қизи эдим, кенгликларни, далаларни яхши кўрардим. Рус тилини билмай кўп қовун туширган пайтларим ҳам бўлган. Бошқалар учун оддий кўринган нарсалар ҳам мен учун катта янгилик бўлиб туюларди, ўшанда. Ҳозир ҳам кишилар феълидаги кенгликка, самимиятга ташналигим бор. Суҳбатдошларимдан ниманидир ўрганишга, билишга ҳаракат қиламан. Ҳамма нарсани биламан, дея олмайман. Аммо қаерда нима дейишни, қандай йўл тутишни биламан. Агар актёр савияли бўлса, у режиссёр билан бемалол баҳслашади, ўз фикрининг тўғрилигини унга тушунтира олади.

Мени саҳнага Бахтиёр Ихтиёров олиб келган. Билмаганларимни ўргатиб, иккиланган жойларимда кўмаклашиб турарди. Шундай устоз режиссёр қўлида ишлаганимдан бахтлиман. Яна жуда кўп режиссёрлар билан бирга ишлашга тўғри келди. Уларнинг диди, дунёқараши ҳам турлича. Айниқса, Рустам Бобохоновнинг иш услубидан кўнглим тўларди. Аммо театр доим ҳам яхши режиссёрга ёлчийвермаган. Ҳозирги режиссёрлар бироз бошқача... Образни тўла тушунтириб беролмаса, бисотимдаги бор тажрибамдан фойдаланаман.

**А.Б:** — Институтда устозимиз кўп такрорларди: драматургнинг иши пиесани ёзиб, қалам ҳақини олгандан кейин бутунлай тугайди, энди режиссёрнинг иши бошланади. Режиссёр фақат репетиция жараёнларида керак. Премьерадан кейин энди актёрнинг иши бошланади, сизлар ҳар доим шунга тайёр туришингиз керак, дерди. Маълум вақт томошабин билан битта оламда яшаш бахти ҳам айнан актёрга насиб этади. Бунинг гашти ўзгача. Ҳеч кимга айтмаган дардларингни, сирларингни улар билан баҳам кўрасан.

Баъзан ўта салбий руҳдаги ролларни ижро этсам, содда томошабин ишониб, "Эй, одам-подам эмас экансиз", деб қўл силтаб чиқиб кетади. Бундан фақат хурсанд бўламан, демак ўз ролимга томошабинни ишонтира олибман. "Сиз янги образ устида ишлаяпсиз, Меҳри опам билан ҳам маслаҳатлашиб турасизми, дейсизми?". Йўқ, аввал обдон образимни пишитаман-да, сўнг худди кулолга ўхшаб тайёр маҳсулотни кўрсатиб, қалай чиқибди, деб сўрайман. Кейин унинг фикрини эшитгач, тўғри айтаётган бўлса инобатга оламан. Агар актёр бошиданоқ лойнинг қаердан олинишию, нима ясашини билолмай сўраб юрса, демак, у профессионал ижрочи эмас.

**М.Б:** — Маслаҳатлашиш қачон бўладики, мен ёки Саша акам бугун бир спектаклда ўйнадик. У тугагач, йўл-йўлакай ўша образимизни муҳокама қилиб кетаверамиз-да. Ҳозир сиз менга савол беряпсиз, "Нега филмларда кам кўринасиз", деб? Биласизми, театрда ролларим кўп. Фалон спектакл қўйилади, дейишса бир ҳафта олдин тайёргарлик кўраман. Мана бугун "Ойонам-қайнонам" асари қўйиляпти, Меҳри эканимни унутиб, бир неча кун Марям бўлиб яшайман. Энди, ўзингиз ўйланг, мен ўша образ ҳолатига кириб яшаётган бўлсам-у, хусусий студиянинг қандайдир олди-қочди ролига чақириб қолишса, бирданига ҳам унга, ҳам бунга... Йўқ, бўлмайди, чалғийман... Унда на буниси муваффақиятли чиқади, на униси... Яхшиси, кучни ҳар томонга сочиб ташламай, биттасига сарфлаган маъқул.

**А.Б:** — Мен ҳам Меҳрихоннинг фикрига қўшиламан. Ҳар ишга меҳр билан, муҳаббат билан киришган афзал. Дарвоқе, муҳаббатдек покиза туйғуни узоқ йиллар давомида кўнгил сандиғида асраш осон эмас. Бунинг учун ҳар икки инсон ҳам бирдек фикран ўсишда, улғайишда бўлиши керак. Ҳар доим Меҳри опангиз билан ўзаро гаплашадиган гапларимиз, бир-биримизни ҳайратга соладиган суҳбатларимиз бўлган. Хоҳ у санъат ҳақида бўлсин, хоҳ болалар келажаги ҳақида ёки ўқиган ва эшитган мусиқаларимиз ҳақидами... Майли-да... Ҳаёт деганлари, бахт деганлари, оила муқаддаслиги ана шу икки кишининг умумий қизиқишларидан иборат эмасми!

**Суҳбатни ШОҲСАНАМ ёзиб олди.**

# СОВРИНДОР БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

Аксарият мусиқа мутахассислари ва мухлислар фикрига кўра Италия вокал мактаби дунё бўйича энг яхши ҳисобланади. Бу, шубҳасиз, ҳаққоний баҳо. Лекин сўнгги йилларда жаҳон саҳналарида шундай ноёб овоз соҳиблари пайдо бўлаяптики, тингловчиларга аъло кайфият ва ҳузур бахш этаётган бу хонандалар мактаби ҳақида ҳам беихтиёр ўйлаб қоласан киши.

Бир қараганда, юқори технологиялар даврида мусиқий таълим остонасидан ўтмаганлар ҳам бемалол қўшиқ айтиб, кетма-кет альбом чиқараётганини кўриб, куйлаш одатий бир ҳолга айланиб бораётгандек кўриниши мумкин. Аммо, барибир, ҳеч қандай техника жонли ижронинг ўрнини боса олмайди. Зеро, инсон овозида товушлар, бетакрор оҳанглар, нолалар кўпки, у кенг ва чуқур ҳис-туйғулар, кечинмалар, ҳолатлар палитрасини бемалол юракнинг туб-тубига етказиб бера олади. Ҳатто бир асарни битта ижрочининг ўзи икки маротаба айнан бир хил ижро эта олмаслиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Айниқса, табиий иқтидорга, беқиёс ва бетакрор овозга эга бўлганларда бу хусусиятлар яққол намоён бўлади. Лекин ана шу неъматнинг қадрига ҳамма ҳам етавермайди. Овозим бор экан, деб куйлайвериш, овозни бўлар-бўлмасга сарфлаш, нотўғри йўналтириш, техник жиҳатдан уқувсизлик ундан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин. Истеъдодларни бундай хавф-хатардан асрашда устозларнинг роли ниҳоятда муҳим. Бинобарин, ҳар қандай истеъдод ўзбошимчалик билан эмас, устозлар кўмагида йўл тутсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Санъат асослари ва ижрочилик маданиятини ўрганишда шубҳасиз, мусиқа мактаблари, коллеж ва лицейларнинг ўрни катта. Бу ўқув даргоҳларида вокал санъатининг бошланғич асослари ўргатилади. Ижодкор сифатида шаклланиш, маҳорат орттириш эса олий ўқув юртида, консерваторияда амалга ошади. Табиийки, талабаларнинг истеъдод даражаси кўп жиҳатдан педагог-устоз савиясига боғлиқ бўлади.

Шу ўринда, бирини иккинчисидан устун қўймаган ҳолда айтмоқчимизки, вокал санъатига ўргатиш созанда ижрочиларга таълим беришдан кўп томонлама фарқланади. Педагог созанданинг камчилигини кўради, уларнинг ҳаракатлари ва соз тутишдаги хатоларини бевосита тўғрилай олади. Вокал педагоги эса талабалар ижросини фақат эшитиш орқали баҳолайди. Шу сабаб ҳам бундай педагог биринчи навбатда ўткир эшитиш, нозик ҳис қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Устозлар ўқитиш жараёнида ўқувчиларда мустаҳкам шартли рефлекслар ҳосил қилишга, ижро мушакларини машқ қилдиришга катта аҳамият берадилар. Бу ишларни амалга ошириш учун ўқувчиларнинг қобилиятига қараб маълум вақт кетади. Ушбу жараён мусиқага табиий мойилликдан келиб чиққан ҳолда баъзи ўқувчиларда тез шаклланади, бошқаларида секин кечади. Шунинг учун ҳар бир талаба учун махсус усуллар ва мос репертуар топиш ниҳоятда муҳим.

Энг муҳим умумпедагогик принцип эса ижрочининг вокал ва мусиқий-артистик маҳорати ривожланишининг узлуксизлиги ва доимийлигидир.

Бугун ўзбек вокал ижрочилиги эришаётган катта ютуқлар юртимизда мустаҳкам вокал мактаби шаклланганидан ва кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик ёш истеъдодли ижрочилар жаҳоннинг энг нуфузли саҳналарини забт этмоқдаларки, уларнинг куйлаш техникаси ва маданиятига таниқли мусиқашунослару санъат ихлосмандлари тан бермоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Академик куйлаш ва опера тайёргарлиги" кафедраси педагоглари қўлида таълим олган йигирмадан ортиқ талаба турли халқаро кўрик-танловларда ғолиб бўлиб қайтдилар. Улар орасида гран-при совринини қўлга киритган Аббос Раҳматуллаев, биринчи ўринни эгаллаган Роман Ветров, Пўлат Абдураҳмонов, Уляна Семенова, Дилдора Мирсодиқова каби истеъдодли ёшлар бор.

Шубҳасиз, улар эришаётган муваффақиятларда шогирдларига сидқидилдан ижро маҳоратини ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб келаётган устозларнинг хизмати беқиёс. Шуни назарда тутган ҳолда ўтган йил якунларига кўра бир неча педагоглар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Улардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Муқаддас Ризаевадир. Бугунги кунда унинг саксондан ортиқ шогирдлари юртимизда ва дунё театрларида фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Елена Колганова Чикагонинг "Лирик опера" театрида, опа-сингил Татьяна ва Ольга Абиякийлар Америкада яшаб ижод қиладилар. Ўзбек операсининг таниқли намояндаларидан бири Исмоил Жалилов ҳам унинг шогирди.



Суратда: О.Александрова шогиртлари Рада Смирник ва Ҳусниддин Орифжонов билан.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ольга Александрова Алишер Навоий номидаги академик катта театрнинг етакчи солисти сифатида жаҳон опера дурдоналарида етакчи партияларни ижро этиб келган. 2000 йилдан буён консерваторияда дарс беради. Бу педагогнинг шогирдлари ҳам Австрия, Германия, Россиянинг нуфузли театрларида фаолият кўрсатмоқда.

Кафедранинг етакчи педагогларидан бўлган Софья Цойнинг шогирдлари эришаётган ютуқлар ҳам бошқаларникидан кам эмас. Бу ўринда ўтган йили бир қанча халқаро танловларда совриндор бўлган Ж.Ниёзов ва Азиза Муҳамедова, Назира Аҳмедова номидаги танлов совриндори Г.Нурметова номларини келтириш кифоя, деб ўйлаймиз.

Фахрий ёрлиқни қўлга киритган педагогларимиз орасида энг ёши Галина Муҳамедова бўлиб, у Самарқанд опера ва балет театрида барча етакчи партияларни (сопрано) ижро этиб, мутахассислар ва мухлислар эътиборига тушди. Шу кунгача Г. Муҳамедова шогирдларидан беш киши халқаро, ўнтаси республика танловлари лауреати бўлган, учта шогирди эса "Ниҳол" мукофоти билан тақдирланган.

Булардан ташқари, Н.Қобулова, И.Жалилов, А.Ражабов ва бошқа устозларнинг шогирдлари ҳам чет элларда юртимиз вокал санъати мактаби шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, концертмейстерлар педагогларнинг асосий ёрдамчилари ҳисобланади. Улар зиммасида мусиқий ва адабий матнни ёдлатишдек энг оғир вазифа туради. Педагог эса ҳар икки ижодкор — ижрочи ва концертмейстер меҳнатини саҳнага олиб чиқади. Бинобарин, вокал хонандалар ютуғининг ҳақиқий баҳоси педагогу концертмейстергагина аён! Совриндор бўлиб туғилмайдилар, деган ибора бежиз айтилмаган. Зеро, ҳар бир муваффақият унга олиб келувчи йўлда меҳнати сингган устозларнинг машаққатли изланишлари туфайли қўлга киритилади.

**Галина ЕРОШИНА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

# "ОЛТИН ҲУМО" ПАРВОЗИ



"Мустаҳкам оила" йилига бағишлаб, Ўзбекистон давлат консерваториясида истеъдодли болаларнинг "Олтин Ҳумо" ижодий фестивали бўлиб ўтди. Қирқдан зиёд мактабгача таълим муассасаларидан мингга яқин болажонлар қатнашиб, мусиқанинг турли жанрларида ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Айниқса, "Мен замонавий боламан", "Булутлар" каби вокал чиқишлари, "Ўтов", "Сирғали қиз" каби сурхонча рақслар, "Севимли қўшиқларимиз" болалар ансамбли ижроси, "Заминимиз — бизнинг уйимиз", "Мустаҳкам оила" каби хор асарлари ижроси, "Занг", "Олма пишганда галинг " каби хоразмча, "Ўзбекистон қизлари", "Бухоро марвариди" сингари бухороча рақслар ижроси болажонлар мусиқани нақадар севишлари, гўзалликка ошно бўлиб улғаяётганларини яққол намоён этди.

**Саида МАНСУРОВА**

# ТАЛАБАЛАР КОНЦЕРТИ

Ўзбекистонда давлат консерваториясининг катта залида талабалар дамли чолғулар оркестри машҳур композиторлар ижодидан тузилган концерт дастурини тақдим этди. Моцарт (солист А.Аҳмедов), Штраус (солист халқаро танловлар лауреати С.Қосимов), Бёме (солист А.Василевский), Марикone репертуаридан намуналар янгради.



"Оркестр созининг тиниқлиги ва ижронинг юксаклиги омили бу — оркестр чолғу гуруҳлари бир-бирини яхши англаб, қўллаб-қувватлаб, масъулият билан ёндошгани ҳамда ҳар бир асарни қалбдан ҳис қилиб ижро этганидадир", — дея таъкидлади дирижёр Тимур Мирзаев.

Оркестрни моҳир дирижёр Т.Мирзаев ва ёш дирижёрлар А.Аҳмедов, А.Йўлдошев бошқарди.

**Насиба МАШАРИПОВА**

# «ҚУЁШГА ТАЪЗИМ»

Таниқли композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев ўз ижоди билан замонавий мусиқа тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан бири. Унинг "Садоқат", "Хива" опералари, симфоник поэмалари замонавий санъат ихлосмандларига яхши маълум. Яқинда консерваториянинг катта залида Р.Абдуллаевнинг қайта ишланган "Қуёшга таъзим" балет-ривояти концерти янгради. "Ушбу балет-ораторияда Ватанга муҳаббат ўзбек аёлининг келажакка, осойишта кунларга етишиш ишончи орқали ифодаланади", — дейди композитор.

Асар пролог, уч парда ва эпилогдан иборат. Балет мусиқаси янгича, сайқалланган вариантда тақдим этилди. Асарни Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижро этди (бадиий раҳбар Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов), унга профессор Зоҳид Ҳақназаров дирижёрлик қилди. Концертнинг бош режиссёри — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дмитрий Жданов. Ижрода Ўзбекистон давлат хор капелласи ҳамда солист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулгина Зокирова иштирок этди.

**Умида ИСОҚОВА**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида "Ўзбекистон музейлари" туркумидан ташкил этилган анъанавий кўргазмада Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи тўпламидан ўрин олган рангтасвир асарлар намойиш этилди. Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатига катта ҳисса қўшган Шамсирўй Ҳасанова, Неъмат Қўзибоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Шуҳрат Абдурашидов, Юсуф Елизаров, Максим Новиков, Константин Чепраков каби рассомларнинг турли жанрларда ишланган асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Рамиз ВАЛИЕВ**

# АМАЛИЙ АНЖУМАН

Миллий рассомлик ва дизайн институти томонидан Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида Халқаро музейлар кунига бағишлаб "Музейлар — маданият кўзгуси" номли илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирни Қатағон курбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари доктори Бахтиёр Ҳасанов очди. Бадиий академия раиси Акмал Нуридинов йиғилганларни Халқаро музейлар куни муносабати билан табриклади. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимизда музейларни сақлаш, эҳтиёт қилиш ва уларни такомиллаштиришга катта аҳамият бериб келинаётганини таъкидлади.

Анжуман ишида Садоқат Қўзиева, Дилором Раупова, Мафтуна Ўткирова, Садоқат Очилова каби талабалар музейлар фаолияти билан боғлиқ турли мавзуларда маъруза қилдилар.

Тадбир сўнгида анжуман қатнашчиларининг маърузалари баҳоланди. Академия раиси А.Нуридинов фахрли ўринларни қўлга киритган талабаларга Фахрий ёрлиқ, эсдалик совға ва сертификатлар топширди.

**О.ЮНУСОВ**

Доимий ҳамроҳ

## "ЭЗГУЛИК"

Руҳни кўтариб, кўнгилни инжа туйғуларга ошно этувчи шеърият билан учрашув чинакам мухлис учун байрамдир. Ҳассос шоиримиз Абдулла Ориповнинг сўнгги йилларда ёзилган она-Ватан, меҳр-муҳаббат, эзгулик, миллий қадрият ва инсонийлик мавзуларидаги шеър ва достонлари шеърият ихлосмандлари томонидан ана шундай соғинч билан кутиб олинмоқда.




Яқинда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи севимли халқ шоирининг "Эзгулик" деб номланган янги тўпламини босмадан чиқарди. Китобга шоирнинг 2009 — 2011 йилларда ёзилган турфа мавзулардаги шеърлари ҳамда "Истиқлол манзаралари" достони жамланган. Шоир "Ҳуррият" шеърида мустақиллигимиз шукронасини:

**...Ҳуррият нелигин машъум замонда**
**Поймол бўлган ҳуқуқ, ҳаққимдан сўранг.**
**Қадрин тополмайин яшаб армонда,**
**Тили забун бўлган халқимдан сўранг.**

**Ҳуррият нелигин хоки хор бўлган**
**Имом Бухорийдек Инсондан сўранг.**
**Ватани ўзига тангу тор бўлган**
**Қодирийдан сўранг, Чўлпондан сўранг... —**

дея ифода этади.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Истиқлол манзаралари" достони эса "Йигирма йил", "Тоғлар ҳикояси", "Ўзбек иши", "Мурунтов", "Элобод", "Қамчиқ довони", "Имом Бухорий", "Женева" каби боблардан ташкил топган бўлиб, уларда истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик жараёнлари ҳамда одамлар қалбида кечаётган маънавий-руҳий ўзгаришлар эҳтирос билан қаламга олинган.

Тўпламдаги "Озон қатлами", "Бир марта...", "Берунийга мактуб", "Ўзбек", "Зар ва Зиё", "Меросийлик" каби шеърлар ҳам китобхонни фикрлашга, инсоний туйғуларни қадрлашга даъват этади.

Китобга шоир Муҳиддин Омон муҳаррирлик қилган.

---

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Камолат ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Шаҳрисабз туман ҳокимлиги**

2012 йил 6 — 8 июн кунлари
"Мустаҳкам оила йили"га бағишлаб Шаҳрисабз туманида

## ОИЛАВИЙ АНСАМБЛЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўрик-танлов 7 июн куни соат 10.00да Шаҳрисабз тумани маданият саройида бошланади.

Ғолибларнинг якуний концерти ва тақдирлаш маросими 8 июн куни соат 15.00да Шаҳрисабз тумани маданият саройида бўлиб ўтади.

***Ташкилий қўмита.***

---



Дунё — кенг...

## ИНФРАҚИЗИЛ НУР ТАРАТУВЧИ САЙЁРА

Астрофизиклар Қисқичбақа юлдузлар туркумидаги бизнинг планетамизга ўхшаш сайёралардан бири ўзидан инфрақизил нур таратаётганини аниқлашди. Орбитадаги "Спитцер" телескопи Ердан 41 ёруғлик йили масофада жойлашган "55-Қисқичбақа" сайёрасини теранроқ ўрганиш имконини бермоқда. АҚШ ва Бельгия астрономлари бу сайёра қаттиқ қатламли бўлиб, юзасида ҳарорат 1700 С даражада эканини, шунга қарамай, уммон билан қопланганини айтишмоқда. Бундай "жаҳаннам иссиғи"да сувнинг қандай сақланиб тургани эса, ҳозирча жумбоқлигича қолаяпти.

— Бу каби ўлчовларни аниқлаш фан нуқтаи назаридан катта воқеа, — дейди "Венера"даги ҳаётга доир гипотеза муаллифи Л. Ксанфомалити. — Ҳозир Қуёш системаси атрофида 700га яқин сайёра кашф этилган. Уларнинг аксариятидаги шарт-шароитлар Ердаги ҳаёт шаклига тўғри келмайди. Бироқ бу сайёраларнинг қайсидир бирида муайян турдаги тириклик бўлиши мумкин.

## ПОЙАФЗАЛДАГИ АККУМУЛЯТОР

Кениялик йигирма тўрт ёшли ихтирочи Энтони Мутуа мобил телефонини қувватлантирадиган махсус чип яратди. Ўта нафис бу чип фойдаланишга қулай: исталган пойафзал тагчармига жойлашади. Бордию оёқ кийими эскириб қолганда уни осонликча олиб янгисига қўйса бўлади. Одам юрганда, чопганда қурилма электр токи ишлаб чиқаради. Ҳосил бўлган токдан икки хил усулда фойдаланиш мумкин: чипга махсус сим уланган бўлса, юрганда ва югурганда телефонни зарядлайверади ёки сайрдан сўнг чипдаги махсус аккумулятор орқали тўпланган энергия билан телефонни зарядлаш мумкин.

## ЗАМИНИ ЧЎКАЁТГАН ШАҲАРЛАР

Хитой Халқ Республикаси Ер ва табиий ресурслар вазирлиги эълон қилган ҳисоботда мамлакатдаги 50 дан ортиқ шаҳарнинг 79 минг квадрат метр ҳудуди чўкаётгани айтилган. Бу ҳол табиий ва, айни чоқда, антропоген сабабларга кўра юз бермоқда.

— Жаҳондаги йирик шаҳарлар ери, асосан, тагидаги сувнинг тортиб чиқарилиши ва коммуникация тармоқлари ўрнатилиши, шунингдек, бино ва иншоотларнинг оғирлиги оқибатида чўкади, — дейди геология-минералогия фанлари доктори В.Трифонов. — Транспорт магистралларидаги тебраниш ҳам бу жараёнга таъсир кўрсатади. Масалан, Москва шаҳри замини кейинги бир неча ўн йил мобайнида 0,7 метрга, Японияning Осака шаҳри эса 2,5 метрга чўккан. Энг кўп чўккан шаҳар (баъзи жойлари 10 метрдан ортиқ) Мехико бўлиб, бу ҳол унинг юмшоқ тупроқда жойлашгани билан изоҳланмоқда.

Хўш, бу ҳолнинг ўша шаҳарлар учун хавфли жиҳати борми? Агар мегаполислар бир текис чўкса, бунинг бирор зарари йўқ, дейди олимлар. Бироқ чўкиш нотекис ҳолда юз бериб, бир бино иккинчисидан пастроқ ёки баландроқ бўлиб қолса, яъни улардан бирининг тупроғи чўкиб, иккинчисининг таги ўз ҳолича қолса, бу катта ҳажмдаги ўпирилиш, вайронгарчиликка олиб келиши мумкин. Нефт ва газ қазиб олинадиган конлар юзасининг чўкиш ҳоллари ҳам қайд этилмоқда. Йирик сув омборлари жойлашган ҳудудлар ҳам чўкади. Одатда бундай ҳавзалар атрофида магнитудаси 6 баллгача бўлган зилзилалар ҳам юз беради. Ҳиндистонда шундай ҳол кузатилган. Бироқ мутахассислар ҳудуднинг геологик хусусияти ҳақида аҳолига олдиндан маълумот беришган. Шу сабабли йирик тўғонларни лойиҳалашда бундай жараёнлар аниқ ҳисобга олиб иш тутилади. Маҳаллий аҳоли эҳтимол тутилган ер силкинишларидан огоҳ этилади.

## "ТИРИК СУВ"НИНГ ХОСИЯТИ

— Сувнинг H2O формуласини кўпчилик яхши билади. Бироқ олимлар неча юз йиллардан буён сувнинг барча хусусиятларини изоҳлаб берадиган назария яратганлари йўқ, — дейди профессор И.Зелепухин. — Ҳолбуки, тирик организмлар ва жонсиз табиатдаги сув таркибига кўра турличадир. Шунинг учун ҳам биз ичадиган ва ўсимликларни суғорадиган обиҳаёт жонли организмга тушганда тезда ўзлашмайди, таркибини ўзгартиргандан сўнггина сингади. Бунинг учун кўп вақт ва энергия сарф бўлади. Бироқ табиатдаги сувни жонли организм тез ва нафи кўп тегадиган ҳолда ўзлаштирадиган усуллар мавжуд. Бу жиҳатдан қор ёки муз эришидан ҳосил бўлган сув, таркибига кўра, тирик организм ҳужайраларидаги сувга яқин. Лекин бугунги экологик вазиятлар туфайли бундай сувлардан фойдаланиш хавфлидир.

Хўш, таркиби ўзгартирилган "тирик сув"ни қандай тайёрлаш мумкин ва унинг қандай фойдаси бор? Энг оддий усули уйингиздаги музлатгич музхонасида яхлаган музни эритиб олиш. Бу сув "тирик сув" ҳисобланади. Бироқ ҳаммавақт ҳам музлатгич музидан олинадиган сув етарли бўлавермайди. Шунинг учун сув таркибидаги газни (карбонат ангидрид ва кислород) қисман олиб ташлаш усули ишлаб чиқилди. Бу сувни дарахт ва ўсимликларга пуркаганда уларнинг япроғи оддий сувга нисбатан "тирик сув"ни уч марта тез ўзига сингдириши аниқланди. Ҳосилдорлик 30 фоизга ошди.

"Тирик сув"нинг инсон организми учун ҳам нафи катта. У куйган, бирор нарса кесиб ё тилиб юборган, жароҳат етган жойлар тез соғайишига ёрдам беради. Бундай сув билан ювинганда тери юмшайди, кремларга ҳожат қолмайди. Қуриб бужмайган сабзини газсизлантирилган "тирик сув"га солиб қўйсангиз бир соат ичида "тирилади". Олимлар профессионал спортчилар иштирокида ўтказган тажрибада "тирик сув" ичиб юрган ва ундан душ қабул қилишда фойдаланувчиларнинг энг оғир вазиятларга чидамлилиги ошгани аниқланган. Шахтёрлар конга тушиш олдидан шундай сув пуркалган ҳаводан нафас олганда эса, хасталаниш ҳоллари камайган. Таркиби ўзгарган "тирик сув" қонни тозалаб, иммунитетни ошириши исботланган. Бунинг учун бир ой эрталаб оч қоринга чорак стакан "тирик сув" ичиш ва ҳафталик танаффусдан сўнг тажрибани яна такрорлаш керак. Агар грипп эпидемиялари вақтида бурун бўшлиғи шундай сув билан чайиб турилса, вируслар юқмайди.

Уй шароитида "тирик сув" тайёрлаш учун қувурдан келаётган сувнинг таркибидаги хлор чўкиши учун бир кеча-кундуз усти очиқ идишда сақланг. Сўнг қопқоқсиз идишда 90 даража ҳароратгача иситинг. Илк қайнаш белгилари сезилиши билан оловдан олинг. Шунда сувдаги газлар қисман чиқиб кетади. Сўнг ана шу сув тўлдирилган идишни совуқ сув солинган бошқа идишнинг ичида совутинг. Совуш жараёнда сувнинг таркиби ўзгаради. Бундай сув солинган идишнинг қопқоғи ёпиб қўйилса, 3-4 соатдан бир кеча-кундузга қадар "тирик"лигини сақлайди. Бу сувдан ичиш ва ювинишда фойдалансангиз нафини сезасиз.

— Сувнинг ҳали очилмаган сирлари жуда кўп, — дейди профессор И. Зелепухин. — Сўнгги маълумотларга кўра, сув ёнади ҳам. Агар биз унинг энергиясини ажратиб олиш усулини кашф этсак, нефт ва газ керак бўлмай қолиши мумкин.

***"АиФ"нинг 20-сонидан.***

---

Журналларни варақлаганда

## "Жаҳон адабиёти"

### 2012 йил, май ойи сони

Журналнинг ушбу сонида берилган насрий асарлар ҳам жанр, ҳам мавзулар нуқтаи назаридан хилма-хил. Озарбайжон адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Элчиннинг "Болададаш қиссалари" туркумидан бир неча ҳикояларни аслиятдан Усмон Қўчқор таржима қилган. Валтер Шотт, Жўржий Зайдон каби жаҳон адабиётида тарихий роман усталари саналган адиблар каторида турадиган машҳур ёзувчи Генри Райдер Хаггарднинг "Клеопатра" романи ҳар бир саҳифаси ҳис-ҳаяжон ва теран фикрларга бойлиги боис катта қизиқиш билан ўқилиши шубҳасиз. Асар русчадан Амир Файзулла ва Маҳкам Маҳмуд таржимасида берилган. Шунингдек, ушбу сонда О.Тўғоннинг "Бегона", Б.Пруснинг "Фиръавн" ва Я.Мариснинг "Нафақадаги хусусий изқувар" романларининг давомини ўқийсиз.




Татар тилидан Мамарасул Бобоев ўгирган машҳур шоир Муса Жалилнинг бир туркум шеърлари ва атоқли олмон шоири Габрриэле Келлер шеъриятидан намуналар (олмон тилидан Шарифа Салимова таржимаси) билан "Шеърият минтақалари" саҳифаларида танишасиз.

"Адабий сабоқлар" рукнида тақдим этилган Л.Толстой хатлари ва "Махфий кундалик" асаридаги (Ортиқбой Абдуллаев таржимаси), Фозил Искандарнинг "Номус ва виждон яшаб қоладими?" сарлавҳали суҳбатидаги (М.Мирзо таржимаси) теран фикр-мулоҳазалар бевосита адабий жараёнга алоқадорлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ушбу сонда профессор А.Саидовнинг, адабиётшунослар Б.Раҳмонов ва С.Тўлаганованинг янги нашрлар таҳлили ва талқинига бағишланган мақолаларини ўқийсиз.

## "ЁШЛИК"

### 2012 йил, 4-сон

Таниқли адиб Мурод Муҳаммад Дўст билан Фахриддин Низомовнинг "Маҳдудликка берилмайлик" сарлавҳали суҳбати муштарийлар тилига тушади, дейиш мумкин. Зеро, анчадан бери янги асарлари билан кўринмай қолган ёзувчининг адабиёт ва ҳаёт, жаҳон адабиёти намояндалари ва улар яратган асарларнинг ижодкорга таъсири, тақлид ва китобхонлик сингари мавзулардаги фикр-мулоҳазалари кўпчиликда қизиқиш уйғотади. "Адиб хонадонида" рукнида ёзувчи Жумақул Қурбоновнинг ижод йўли, ижодкор дўстлари, устозлари ҳақидаги дил сўзларини ва "Вафодор" номли ҳикоясини ўқийсиз. Шунингдек Наби Жалолиддиннинг "Мажнун" номли қиссаси, Исажон Султоннинг, Шодмон Отабек ва Турсунбой Боймировнинг ҳикоялари ҳам синчков муштарийлар эътиборидан четда қолмайди.



Журналнинг ушбу сонидаги назм саҳифаларида Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг "Шеър парчалари" туркуми, Салим Ашурнинг "Баҳор қўнғироғи" манзумаси, Сайёра Салаева, Гулбаҳор Саид Ғани, Кумуш Ўсарова ва Садоқат Неъматованинг шеърлари берилган.

Ёш адабиётшунос ва тадқиқотчилардан А.Раззоқов, М.Йўлдошева ва Ф.Маҳкамованинг мақолалари мумтоз ҳамда замонавий шеъриятимиз тадқиқига бағишланган. Шунингдек, "Биринчи учрашув", "Ёшлар овози", "Неваракулча" рукнларида берилган асарлар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Можористонлик адиб Э.Ҳолхотсининг "Буви" ҳикояси (рус тилидан Р.Жабборов таржимаси), Т.Адашбоевнинг янги пародиялари ҳам журналнинг ушбу сонидан ўрин олган.

Кўргазма залларида

## "ИТАЛИЯ КВИНТЕТИ"

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон ва Италия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. "Италия квинтети" деб номланган кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилган "Умид" жамғармаси гранти бўйича Италиянинг Комо шаҳридаги Альдо Галли номидаги нафис санъат академияси битирувчилари Камолжон Бобоев, Жарилкаган Изентаев, Эшмамат Ҳайитов ва Рустам Зиёдуллаев ижодидан намуналар намойиш этилмоқда. Италиядаги ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш мўйқалам соҳиблари рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, фотография каби йўналишларда ижод қилиб, ифодали воситалар ҳамда техник услублардан самарали фойдаланмоқдалар. Экспозициядан шунингдек, ёш рассом Дилшод Азизовнинг ишлари ҳам ўрин олган.

Камолжон Бобоевнинг "30 декабр", "Куз", Жарилкаган Изентаевнинг "Буюк Ипак йўли" туркум асарлари ўзгача ранглар олами ва техникаси билан томошабинлар эътиборини тортди. Рустам Зиёдуллаев ва Эшмамат Ҳайитовларнинг ўзига хос услубда чизилган манзаралари ёшларга манзур бўлди. Айниқса, Дилшод Азизовнинг графикада ишланган картиналари, "Спитамен ва Искандарнинг учрашуви", "Овчи" каби асарлари кўпчилик эътирофига сазовор бўлди.

Кўргазма давомида Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри санъаткорларининг чиқишлари тадбирга файз бағишлади.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

---




*Кимдир турмушнинг икир-чикирларидан нолиб, паришон кетаётганда ер ости қувурининг чуқурчасига тушиб кетди ва боши ёрилди. Деразадан қараб турган беғам болалар паққос кулиб юборишди. Бу ҳолни катталар кўрганида ҳам ўзларини кулгудан тийиб туриша олмасди... Адабиётдаги ҳажвия жанри инсоний қусурларни, ҳаётий камчиликларни юмор тили билан ўзига хос тарзда ифода этолгани учун ҳам барҳаётдир.*

*Атоқли рус ёзувчиси, ҳажв устаси Михаил Зошченконинг ижоди ушбу мўъжаз адабий жанрни ўзига хос муваффақиятли саҳналар, бетакрор образлар билан бойитди. Ёзувчининг номи ўзбек китобхонига ҳам яхши таниш. Унинг Воҳид Умиров таржимасида яқинда нашрдан чиққан "Хира пашшалар" китоби ҳажв мухлислари учун муносиб туҳфадир. Китоб "Абу матбуот-консалт" нашриётида босилди, муҳаррир — Г.Келдиёрова.*

*Қуйида М. Зошченконинг ушбу тўпламдан жой олган бир ҳажвий ҳикоясини газетхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.*

Ҳажвия

**Михаил ЗОШЧЕНКО**

## ЁМОН ПУЛЛАР

Заводда чилангар бўлиб ишловчи Иван Петрович Мартинов эшикни оҳиста очди ва эҳтиёткорлик билан қадам ташламоқчи эди-ю, лекин ўзини тутиб қола олмади ва хонага эмаклагандай ағдарилди. Хотини қўлларини бир-бирига урди ва кастрюлкани жаҳл билан итариб юборди.

— Яна тўйиб олибсан-да! Золим, яна ичибсан-да, шўрим қурсин.

— Зинҳор, — деди чилангар, тик туришга уринаркан. — Ҳушёрман, мутлақо ҳушёрман... Қара, Маша... Агар хоҳласанг, ўчоққача етиб бора оламан, хоҳласанг — каравотгача... Қара.

Иван Петрович ён томонга қадам қўйди, бироқ ўзини тутиб қололмади ва каравотга қулади.

— Зинҳор, — деди у, ёстиққа бошини қўяркан. — Ҳушёрман, мутлақо ҳушёрман... Қара, Маша, ҳаммаси жойида... Мана у, бурним, бутун... Мана у, костюм, бутун... Телпакни ўйлаётган бўлсанг — мана у, телпак, чўнтагимда... Қара, Маша... Зинҳор... Мутлақо ҳушёрман... Агар маошни ўйлаётган бўлсанг — мана у. Қара, Маша...

Чилангар қўлини чўнтагига тиқди ва бир нечта майда тангаларни чиқарди.

— Мана у, маош. Қара, Маша.

Хотини каравотга ўтириб олди ва биғиллаб йиғлай бошлади. Чилангар ҳайрон бўлиб бошини ёстиқдан узди ва бирдан ҳушёр тортиб каравотга ўтириб олди.

— Маша, — деди у, — Маш... дейман. Сен йиғлама, албатта, Маш... Менда нима айб? Мен озгинагина. Озгинагина, Маша. Мутлақо ҳушёрман... Бир стакан олган бўлсам олгандирман, балки. Мен ва Василь Иванич... Менда нима айб?..

— Мушук айбдор, — деди хотини истеҳзо билан, лабларини ранжиганнамо буришкан.

— Мушук эмас, — деди чилангар. — Мушукни мен айбламайман. Зинҳор. Мен сенга, Маша, бир бошидан гапириб бераман. Эрталаб, албатта, ишга келсам, заводда йигитлар сандирақлаб юришибди. Айтишларича, кассир Иван Маркич пулга кетган экан. Демак, маош... Кассага яқинлашдим, кассир Иван Маркич эса зерикиб ўтирибди ва пулларга термулади...

— Гапни айлантирма, — деди хотини. — Мастмисан, ёстиққа бурканиб ухла.

— Мен маст эмасман, — деди чилангар. — Мен, Маша, мутлақо ҳушёрман. Мен сенга бир бошидан гапириб бераман. Менда нима айб?.. Кассага яқинлашдим, кассир Иван Маркич эса дўриллаган овозда деди: "Йигитлар, уч кишидан навбатга туринглар. Бугун ёмон пуллар тегди — ҳаммаси йирик купюралар". Мен эса: "Нималар деяпсиз, Иван Маркич, устимиздан куляпсизми? Ақлга сиғмайди. Буни қаерда алмаштирамиз?", дедим. Шу пайт Василь Иванич келиб қолса бўладими. "Сен, — дейди, — кассир билан гап талашма. Ҳозир учинчи кишини оламиз-у, кўчага югурамиз ва пулларни энг яхши кўринишда алмаштириб оламиз...". Менда нима айб, Маша?.. Начора, имзо чекдик, олдик, чиқдик. Кўчада эса ҳеч ким алиштирмайди. "Халқ фаровонлиги"га бордик — йўқ. Хусусий савдогарларга бордик — йўқ.

"Ҳа, — дейди, — сотиб олиш бўлса — мендан эмас, сотиб олиш бўлмаса — мендан экан-да. Жўнаб қол-чи бу ердан..." Кетдик ҳам. Менда нима айб? Шундай қилиб, кетдик. "Вена"нинг ёнидан чиқиб қолибмиз. Кирдик. Тамадди қилдик, тўладик, ичдик. Қайтимини эса йирик пулда беришди — ўндан беш. Алмаштириш учун кетдик, албатта. Тамадди қилдик, тўладик, ичдик. Қайтимини эса, ярамаслар, учталик қилиб беришди. Унча йирик пул эмас, лекин алмаштириш керак. Менда нима айб, Маша?... Учталикни алмаштиришга кетдик. Тамадди қилдик, тўладик, ичдик... Менда нима айб?.. Кейин эса, ўз-ўзидан маълум, яна аллақандай нусха ёнимизга келди. "Йирик пулларни майда пулларга алмаштиришимиз мумкин, — деди.— Эвазига деярли ҳеч нима сўрамаймиз". Биз эса: "Кечга қолдинг. Йўлингдан қолма", деб жавоб бердик. Менда нима айб, Маша?.. Мутлақо ҳушёрман...

Чилангар Иван Петрович яна ёстиққа бошини буркади ва шу заҳотиёқ хуррак ота бошлади.

**Рус тилидан**
**Воҳид УМИРОВ таржимаси.**

---

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Республика сатира театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Турдибек СОДИҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Нурбой Жабборовга онаси

**Машҳура ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факултети жамоаси факултет декани, профессор Нурбой Жабборовга онаси

**Машҳура ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6911 Буюртма Г — 544. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

ISSN 2181-614X